

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

ТЎПЛАМИ

16-17-сон
(932-933)
2020 йил
4 май

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

170. «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги ПФ-5984-сон Фармони
171. «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 апрелдаги ПФ-5986-сон Фармони
172. «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ-5987-сон Фармони
173. «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 апрелдаги ПК-4687-сон қарори

174. «Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ-4688-сон қарори
175. «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги ПҚ-4691-сон қарори
176. «Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 апрелдаги ПҚ-4694-сон қарори
177. «Коронавирус пандемияси даврида санитария-эпидемиология хизмати ходимларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 апрелдаги ПҚ-4695-сон қарори
178. ««Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этишни молиялаштиришга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4698-сон қарори
179. «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон қарори [Кўчирма]
180. «Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4700-сон қарори
181. «Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4701-сон қарори
182. «Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4702-сон қарори

Бешинчи бўлим

183. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 20 мартдаги 12-сон «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2282-8*)

184. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2020 йил 17 мартдаги 3-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли юкларни ҳаво транспортида ташиш қоидалари»нинг (ЎзР АҚ-198) 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1721-3*)
185. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2020 йил 17 мартдаги 2-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиациясида ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш» авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-71) ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2194-4*)
186. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2020 йил 25 мартдаги 70-сон «Тутзорларни оилавий пудрат асосида аҳолига ажратиб бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3230*)
187. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2020 йил 17 апрелдаги 220-сон «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3179-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2020 йил 18 апрелдан 1 майгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

170 Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбир- лари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мамлакат ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш борасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолатларини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Кенг жамоатчилик фикрларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси ва Ички ишлар вазирлигининг рухсат бериш хусусиятига эга бўлган доимий прописка қилиш тизимидан босқичма-босқич хабар бериш хусусиятидаги рўйхатдан ўтказиш тизимига ўтиш ҳамда биринчи босқичда қуйидагиларни амалга ошириш ҳақидаги таклифларига розилик берилсин:

«доимий прописка қилиш» ва «турган жойи бўйича ҳисобга олиш» тушунчаларини «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш» ва «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» тушунчаларига ўзгартириш;

фуқароларга биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошларини ўзи доимий яшаш жойи бўйича рўйхатда бўлган манзил билан бир қаторда эғалигида бўлган уй-жой майдонига доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйиш имкониятини яратиш;

доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйиш учун эр-хотиннинг никоҳдан кейин бир йил давомида биргаликда яшаш шарти ҳамда бир йил ичида никоҳ бекор қилинган тақдирда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши йўқотилиши тўғрисидаги қондани олиб ташлаш;

оилага тарбияга олинган (патронат) шахслар уларнинг тутинган ота-онасининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши;

илгари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқаролар доимий яшаш учун тегишинча қайтиб келганида, уларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига ҳеч қандай тўсиқларсиз доимий яшаш жойи бўйича қайта рўйхатга олиш;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 22 апрелда эълон қилинган.

тегишли лавозимларга сайланган, тайинланган, тасдиқланган фуқароларга ҳамда республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга таклиф этилаётган юқори малакали мутахассислар учун лавозимни эгаллаб туриш даврига бериладиган доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниш ҳуқуқига чекловни бекор қилиш;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган давлат органлари ва ташкилотларида 5 йил муддат мобайнида узлуксиз меҳнат фаолиятини юритаётган мутахассисларни (техник, хизмат кўрсатувчи ва ишлаб чиқариш ходимларидан ташқари) мазкур ҳудудларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш;

республиканинг бошқа ҳудудларида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги янги қурилган уйларни сотиб олиб, уч йил ичида сотган ҳолатларда давлат божининг алоҳида ставкаларини қўллаш тартибини бекор қилиш.

Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур бандда назарда тутилган талаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тегишли қонун лойиҳасини киритсин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки:

а) 2020 йил 1 апрелдан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулкни олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ушбу ҳудудларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги талаб қилинмайди;

б) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш билан боғлиқ ишлар идоралараро электрон ҳамкорлик орқали «ягона дарча» тамойили асосида Ички ишлар вазирлигининг «Манзил» автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Манзил» тизими) воситасида амалга оширилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини «Манзил» тизими орқали доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш:

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида — 2020 йил 1 сентябрдан;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — 2021 йил 1 январдан бошлаб амалга оширилади;

в) доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини бузганлик Ўзбекистон Республикаси фуқароларини тегишли ҳудуд ва манзилдан чиқариб юбориш учун асос бўлиб ҳисобланмайди.

3. Белгилансинки:

а) 2020 йил 1 сентябрдан қуйидагиларни назарда тутувчи тартиб жорий этилади:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан истиқомат қилиш муддати 15 кун ҳисобланади;

доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишни расмийлаштириш бир кун ичида амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи бўйича

рўйхатга олишда аввалги доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқиш тартиби бекор қилинади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиншини расмийлаштиришда паспорт, уй дафтари ёки хонадон карточкасига рўйхатга олиш штампини босиш амалиёти бекор қилинади;

доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда ҳарбий хизматга мажбурларнинг мудофаа ишлари бўлимларига ҳарбий ҳисобдан чиқиш ва ҳарбий ҳисобга туриш учун бориши тартиби бекор қилинади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан солиқ идораларида ҳисобга олинган ижара шартномаси ҳақида маълумот тақдим этилганда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишда уй-жой эгасининг розилиги талаб этилмайди;

б) туғилган болага фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан туғилганлик тўғрисида гувоҳномани расмийлаштириш чоғида отаси ёки онасининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзилига идоралараро электрон ҳамкорлик орқали маълумотларни киритиш йўли билан уни доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби жорий қилинади;

в) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг муайян ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тегишинча ушбу ҳудуднинг бошқа манзилида истиқомат қилса, турган жойи бўйича вақтинча рўйхатга олинishi шарт эмас ва у паспорт тизими қондаларини бузган деб ҳисобланмайди.

4. «Манзил» тизимининг «ягона дарча» тамойили асосида тўлиқ ишлашини таъминлаш мақсадида:

а) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

2020 йил 1 августга қадар Ўзбекистон Республикаси фуқароларини онлайн тарзда ҳарбий ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш тизимини жорий қилсин;

2021 йил 1 январга қадар ҳарбий ҳисоб ҳужжатларини автоматлаштириш мақсадида картотека маълумотларини жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамига боғлаган ҳолда рақамлаштириш чораларини кўрсин;

мазкур Фармоннинг 2-банди «б» кичик бандида белгиланган муддатлардан келиб чиққан ҳолда, «Автоматлаштирилган ахборот тизими ва маълумотлар базаси» автоматлаштирилган ахборот тизимини Ички ишлар вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази билан биргаликда «Манзил» ва «Хорижга чиқиш паспорти» ахборот тизимлари билан интеграция қилсин;

ҳарбий ҳисоб ҳужжатларини, ҳарбий хизматга мажбур фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни ҳудудий мудофаа ишлари бўлимларига реал вақт режимида электрон тизим орқали юбориш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази маълумотлар базаси билан идоралараро электрон ҳамкорликни йўлга қўйсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ички ишлар вазирлиги

билан биргаликда 2020 йил 1 августга қадар «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг ягона электрон архиви» ахборот тизими-ни «Манзил» тизимига интеграция қилсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2020 йил 1 сентябрга қадар вояга етмаганларни туғилганлик ҳақида гувоҳномаси маълумотларига ҳамда вояга етганларни жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамига боғлаган ҳолда васийлик ва ҳомийликни тасдиқловчи ҳужжатларнинг электрон базасини яратсин ва уни Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда «Манзил» тизимига интеграция қилсин;

г) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда «Манзил» тизимига интеграция қилсин;

д) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ҳисобга олинган ижара шартномалари бўйича ижарачи ва уй эгасининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ҳамда кўчмас мулкнинг кадастр рақами тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш мақсадида «Солиқ» ахборот тизимлари комплексини «Манзил» тизимига интеграция қилсин;

е) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси мазкур Фармоннинг 2-банди «б» кичик бандида белгиланган муддатлардан келиб чиққан ҳолда:

идоралараро электрон ҳамкорлик тизими асосида «Манзил» тизимига кўчмас мулк эгаси ёки унинг юридик манзили ўзгарганда, кўчмас мулк объектларининг манзиллари ягона реестридан ўзгарган маълумотларнинг тақдим этилишини;

кўчмас мулк эгаси бўлган жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами мавжуд бўлмаганда, «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформасидан фойдаланиб ва ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда, уни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази ҳамда Ички ишлар вазирлиги маълумотлар базасидан олишни йўлга қўйсин;

ж) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда аҳолига тақдим этилаётган электрон давлат хизматларини кўрсатиш доирасида электрон рақамли имзо ўрнига шахсни тасдиқлашнинг муқобил шакллари, шу жумладан мобил алоқа телефон рақамлари орқали шахсни тасдиқлашнинг қўшимча имкониятларини яратишни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини киритсин;

мазкур Фармоннинг 2-банди «б» кичик бандида белгиланган муддатлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ишларини Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга ошириш имкониятини яратсин.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси «Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази» ДУК билан биргаликда 2020 йил 1 августгача Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш билан боғлиқ жараёнларни амалга ошириш мақсадида тегишли ахборот тизимларини Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграция қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Мудофаа вазирлигининг мурожаатига мувофиқ 2021 йил 1 январга қадар Мудофаа вазирлигининг «Автоматлаштирилган ахборот тизими ва маълумотлар базаси» тизимини жорий этиш учун туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимларининг белгиланган тартибда Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига улашинини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ой муддатда Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишда давлат хизматларининг автоматик тарзда кўрсатилиши учун тегишли идораларга хабарнома юборилишини ташкиллаштирсин;

доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишни талаб этадиган барча давлат хизматлари ҳамда бошқа маъмурий тартиб-таомилларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниш орқали амалга ошириш имкониятини яратиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди мазкур Фармоннинг 2-банди «б» кичик бандида белгиланган муддатлардан келиб чиққан ҳолда Олий суд ахборот тизимини Ички ишлар вазирлигининг «Манзил» тизими билан интеграция қилиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

а) 2021 йил 1 январга қадар шахснинг жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганлиги тўғрисидаги электрон маълумотлар базасини юритиш тизимини йўлга қўйсин ва ички ишлар органлари тизимида мавжуд ҳужжатлар ва маълумотларни фуқаролардан талаб қилмаслик бўйича чоралар кўрсин;

б) бир ой муддатда ушбу Фармоннинг ижроси юзасидан фуқаролардан келиб тушадиган мурожаатлар асосида тизимли мониторинг олиб бориш мақсадида ўз веб-сайтида тушган мурожаатларнинг мазмуни барчага очик бўлган ва уларни муҳокама этиш имконини берадиган махсус саҳифанинг ишга туширилишини таъминласин ҳамда зарурат бўлганда идоралараро маълумот алмашинуви тизимини янада такомиллаштириш юзасидан чоратадбирларни амалга ошириб борсин;

в) икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибининг ислоҳ этилиши ҳамда яратилаётган электрон тизим имкониятларидан келиб чиқиб, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқаролари учун белгиланган тартиботларни такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

г) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

паспорт режимини бузиш ҳолатларини аниқлаш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқласин;

бир ой муддатда ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришларни қонун ҳужжатларига киритиш чораларини кўрсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 22 апрель,
ПФ–5984-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**171** **Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбир-
корлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5969-сон ва 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сон фармонларига мувофиқ, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларига имтиёз ва преференциялар берилди, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар ходимларига иш ҳақи, шунингдек, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг узлуксиз тўлаб берилиши таъминланди.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида асосий даромад манбаларини йўқотган шахсларни, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож катламларини ва тадбиркорлик субъектларини қўшимча қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 1 октябрга қадар:

а) Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондига, «Саховат ва қўмак» фондига, «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондига, шу жумладан уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги бўлинмаларига, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантириладиган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган жисмоний шахсларга бегараз бериладиган:

пул маблағлари ва товарлар (хизматлар)га фойда солиғини ҳисоблашда чегириладиган харажатлар сифатида қаралади;

товарлар (хизматлар) қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ солиш объектига киритилмайди;

б) Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондидан, «Саховат ва қўмак» фондидан, «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондидан, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган бегараз ёрдам (пул маблағлари, товарлар ва хизматлар)га, агар ёрдам олувчи шахслар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантириладиган ижтимоий қўллаб-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 апрелда эълон қилинган.

қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатида киритилган бўлса, жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди;

в) жисмоний шахсларга турар жойларини жисмоний шахсларга ва коронавирус пандемияси даврида фаолияти тўхтаган тадбиркорлик субъектларига нотурар жойларни ижарага беришдан олинган жисмоний шахслардан олинадиган даромадлар бўйича солиқни фоизсиз кечиктириб тўлаш ҳуқуқи берилади. Бунда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш бўйича берилган кечиктириш суммаси 2021 йил 1 апрелга қадар муддатгача тенг улушларда тўланиши лозим;

г) лизинг корхоналари томонидан ҳисобланган ва кечиктирилган лизинг бўйича фоиз даромадлари суммаси фойда солиғини ҳисоблашда кечиктириш берилган даврдаги жами даромад таркибига киритилмайди;

д) тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш Давлат жамғармаси томонидан компенсация қилиш тартиби тадбиркорлик субъектларининг амалдаги кредит шартномаларига ҳам татбиқ қилинади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йилда ходимга тўланадиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилмайдиган моддий ёрдам суммаси меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 4,22 бараваридан 7,5-бараваригача оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлигининг пенсиялар тўғри тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича текширишлар натижасида аниқланган, ортиқча тўланган пенсиялар бўйича 2020 йил 20 апрель ҳолатига пенсионерларнинг қарздорлик суммасини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 майдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга (Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан пенсия олувчи шахслардан ташқари) пенсиялар тўлови тўғридан-тўғри Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан амалга оширилади.

5. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сон Фармонининг 6-бандида назарда тутилган соддалаштирилган тартибда солиқларни тўлаш бўйича фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) бериш муддати 2020 йил 31 декабргача узайтирилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган ва келгусида тўланадиган солиқ суммаларини тўлаш бўйича муддатни мустақил равишда, бироқ икки йилдан оширмасдан белгилаш ҳуқуқига эга эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Молия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 27 апрель,
ПФ–5986-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

172 Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фан- ни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида*

Сўнгги йилларда мамлакатда ўқув-педагогик жараёнга инновацион илғор ва халқаро таълим стандартларини жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва профессор-ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, шунингдек таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашни назарда тутадиган юридик таълим тизимини такомиллаштириш бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, миллий юридик таълимнинг самарадорлиги нисбатан пастлигича қолмоқда, бу юқори малакали мутахассис-ҳуқуқшуносларни тайёрлаш ва мамлакатда юридик фанни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлиги билан изоҳланади.

Юридик кадрларни тайёрлаш соҳасида рақобатнинг мавжуд эмаслиги миллий юриспруденция илмий мактабининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, шунингдек, ҳудудлардаги иқтидорли ёшлар учун тенг таълим олиш имкониятларини чекламоқда.

Ҳуқуқ соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларини амалий жиҳатдан жорий этиш, ўқитишнинг илғор услубларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, замонавий талабларни инобатга олган ҳолда таълим стандартларини модернизациялаш ва ўқув дастурларини қайта кўриб чиқишга етарли эътибор берилмаяпти, бу эса юридик таълим сифати ва илмий салоҳиятнинг пасайишига олиб келмоқда.

Юридик таълим ва фан тизимини тубдан такомиллаштириш, уларнинг

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 апрелда эълон қилинган.

халқаро таълим майдонидаги рақобатбардошлигини таъминлаш, юридик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, шунингдек, кенг юридик жамоатчиликнинг:

Тошкент давлат юридик университетини (кейинги ўринларда — ТДЮУ) «юриспруденция» мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича базавий олий таълим ва илмий-методик муассасаси этиб белгилаш;

Самарқанд, Наманган ва Термиз давлат университетларида юридик факультетлар (кейинги ўринларда — юридик факультетлар) ташкил этиб, «юриспруденция» йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда шакллантириладиган ва тасдиқланадиган квоталар бўйича қабулни, шу жумладан табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча қабулни амалга ошириш;

давлат, ҳуқуқ ва сиёсий-ҳуқуқий таълимот соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институтини ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар юридик таълим ва фанни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

замонавий талаблар, илғор халқаро юридик тажриба ва меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида юқори малакали, ижодий фикрлайдиган, ҳалол кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

ўқитишнинг кредит-модуль тизимини ва талабалар билимини баҳолаш усулларини такомиллаштириш, ўқув жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ҳамда ўқув базасини модернизациялаш;

клиник юридик таълимни ривожлантириш йўли билан ўқув жараёни ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўртасида узвий алоқани таъминлаш;

ривожланган хорижий давлатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасалари билан ҳамкорликни, қўшма ҳуқуқий тадқиқотларни, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўзаро алмашинувини фаоллаштириш;

ахборот ҳуқуқий технологиялар ва тизимларни (Legal Tech) ишлаб чиққан ҳолда давлат ва ҳуқуқ соҳасида илмий ва инновацион тадқиқотларни ўтказиш;

хорижий ҳамкорлар билан биргаликда юридик кадрларни тайёрлаш бўйича қўшма таълим дастурларини (double degree) амалга ошириш, ўқув-таълим жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни фаол жалб қилиш;

«Электрон университет» (E-University) тизимини жорий этган ҳолда очик, шаффоф, субъективлик ва сунистеъмолчиликлардан холи бўлган таълим муҳитини яратиш;

ТДЮУ ва юридик факультетларни халқаро тан олинган таълим муассасалари рейтингига киритиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш орқали миллий юридик таълим рақобатбардошлигини ошириш.

3. Юридик кадрларни тайёрлашга буюртма шакллантиришнинг шундай тартиби жорий этилсинки, унга мувофиқ:

ТДЮУ, юридик факультетлар ва юридик техникумларга қабул параметрлари юридик кадрларга бўлган эҳтиёжни мониторинг қилиш ва прогнозлаштириш электрон платформасини яратган ҳолда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, турли мулкчилик шаклидаги ташкилотлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектларида жорий ва истиқболдаги юридик кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб, ҳар бир ҳудуд, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳалар кесимида таҳлил қилиш асосида шакллантирилади;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳар йили белгиланган муддатларда иш берувчиларнинг юридик кадрларга бўлган эҳтиёжлари ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим қилади;

мулкчиликнинг барча шаклларидаги ташкилотлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари, юридик кадрларни тайёрлашга буюртмани шакллантиришда иштирок этишга, хусусан ТДЮУ, юридик факультетлар ва юридик техникумларда кадрларни мақсадли тайёрлаш учун тўловни, улар томонидан ўқишни тугатганидан сўнг, шартномада белгиланадиган муддат давомида ташкилот-буюртмачида узлуксиз ишлаш мажбуриятини қабул қилган ҳолда, амалга оширишига ҳақли;

потенциал иш берувчилар билан биргаликда шартнома асосида мутахассислар тайёрлашни (таълим кластерлари) ташкил этган ҳолда юридик кадрларни тайёрлашга буюртма жойлаштириш учун юридик кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасаларини саралаш танлови жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда мунтазам равишда тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига, ўз юридик хизматларини ташкил этишда қўмаклашсин;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юридик маълумот зарур бўлган лавозимлар рўйхатини кенгайтирган ҳолда Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини қайта қўриб чиқиш бўйича таклифлар киритсин.

4. Тошкент давлат юридик университети Васийлик кенгашининг янги таркиби 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Васийлик кенгаши зиммасига, қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар билан бир қаторда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, турли мулкчилик шаклидаги ташки-

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лотлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектларида юридик кадрларга бўлган жорий ва истикболдаги эҳтиёжни чуқур таҳлил қилиш асосида юридик кадрларни тайёрлашга буюртмани самарали шакллантиришни таъминлаш вазифаси юклансин.

5. Қуйидагилар:

ТДЮУда Нагоя университети (Япония) билан ҳамкорликда ташкил этилган япон тили ва ҳуқуқи ҳақидаги билимларга эга малакали юридик кадрларни тайёрлаш, академик алмашинув ва қўшма илмий ҳуқуқий тадқиқотларни ўтказишга қўмаклашувчи Япон ҳуқуқини ўрганиш маркази фаолият юритаётганлиги;

Регенсбург университети (Германия Федератив Республикаси) билан 2020 йилда ТДЮУда немис тили ва ҳуқуқини биладиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлашга қаратилган Немис ҳуқуқи ва қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар марказини очиш тўғрисида келишувга эришилганлиги;

Буюк Британия ва Хитой Халқ Республикаси олий таълим муассасалари билан ТДЮУда инглиз ва хитой ҳуқуқини ўрганиш марказларини ташкил этиш бўйича музокаралар олиб борилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ташки ишлар вазирлиги билан биргаликда ТДЮУга хорижий ҳуқуқни ўрганиш марказлари фаолиятини ташкил этишда ҳар томонлама қўмаклашиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва ТДЮУнинг қуйидагилар тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

а) ТДЮУда Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик факультети (кейинги ўринларда — Факультет) ташкил этиш, унинг зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни юклаш:

халқаро хусусий ҳуқуқ, шу жумладан халқаро арбитраж ҳуқуқини чуқур ўрганиш, шунингдек, миллий ва япон, немис ҳуқуқи ҳамда бошқа ривожланган хорижий давлатлар ҳуқуқ тизимларини қиёсий тадқиқ қилиш асосида юқори малакали юридик кадрлар тайёрлаш;

Япония, Германия ва бошқа ривожланган хорижий давлатлар ҳуқуқи ва ҳуқуқий тизимларининг қиёсий тадқиқотлари натижаларини ҳисобга олган ҳолда халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементация қилиш ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижий ҳуқуқ ва ҳуқуқий тизимларни қиёсий тадқиқ қилиш мақсадида хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви ҳамда стажировкаларни тизимли асосда ташкил этиш;

конституциявий, фуқаролик, маъмурий, жиноят, жиноят-процессуал ва ҳуқуқнинг бошқа соҳаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

б) Факультетнинг асосий ҳамкорлари сифатида Япония томонидан — Нагоя университети, Германия Федератив Республикаси томонидан — Регенсбург университети белгилаш.

Белгилансинки:

хорижий ҳуқуқни ўрганиш марказлари Факультет таркибида фаолият юритади;

Факультет негизида хорижий таълим муассасалари ва халқаро ташкилотлар билан ҳуқуқ соҳасида қўшма тадқиқот, ўқув-таълим ва бошқа лойиҳаларни ташкил этиш бўйича майдон яратилади;

Факультетдаги ўқув жараёнига хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари фаол жалб этилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ой муддатда Нагоя ва Регенсбург университетлари ҳамда хорижий давлатларнинг бошқа олий таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар вакиллари билан музокаралар ўтказсин ва уларнинг натижаларига кўра қуйидагилар тасдиқланишини таъминласин:

2020 — 2025 йилларда етакчи япон, немис ва бошқа чет эллик олимларнинг юридик фанлар бўйича ўқув адабиётлари туркумини давлат тилига таржима қилиш ва чоп этишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури;

2021-2022 йилларда хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви ҳамда стажировкаларни ташкил этиш жадвали.

Белгилансинки, ушбу бандда кўзда тутилган тадбирларни бажариш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда ҳомийлар ва донорлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Тошкент шаҳрида, инновацион ўқув жараёнини ташкил этиш учун зарур инфратузилмага эга ТДЮУнинг замонавий кампусини барпо этиш имкониятларини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ТДЮУ магистратурасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда — Давлат тест маркази) томонидан ўтказиладиган тест синовлари орқали қабул қилиш, базавий олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар учун ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда масофавий, сиртқи ва кечки ўқитиш дастурларини жорий этиш;

базавий олий юридик маълумотга ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви марказий органларида юридик йўналиш бўйича камида беш йил иш стажига эга бўлган рахбар ходимларни магистратурага ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда масофавий, сиртқи ва кечки ўқитиш дастурлари бўйича ўқиш учун қабулини тегишли давлат органининг биринчи раҳбари тавсиясига кўра, кириш тест синовларисиз, тўлов-контракт асосида ва қабул параметрларидан ташқари амалга ошириш;

«юриспруденция» йўналиши бўйича бакалавриятни имтиёзли тугатган битирувчиларни ТДЮУ магистратурасига тест синовларисиз, тўлов-контракт асосида, ўқиш қийматининг 50 фоизини тўлаб, қабул параметрларидан ташқари, ўқишни тугатгандан сўнг ТДЮУ, юридик факультетлар, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги лицейда камида уч йил узлуксиз ишлаш мажбуриятини юклаган ҳолда қабул қилиш тартибини жорий этиш;

ТДЮУ, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицейда пуллик асосда тайёрлов ва бошқа курсларни, ёзги ва қишки мактабларни, шу жумладан чет эл фуқаролари учун, ташкил этиш.

10. ТДЮУ ректорига бюджетдан ташқари (тўлов-контракт, шу жумладан табақалаштирилган тўлов-контракт) маблағлар ҳисобидан:

хорижий мутахассисларни консультант, маърузачи ва ўқитувчи сифатида жалб этиб, уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгилаш;

ТДЮУ бакалавриат, магистратураси истиқболли битирувчилари ва ходимларининг хорижий таълим ва илмий муассасалари магистратура ва докторантурасида ўқиши қиймати ва у билан боғлиқ харажатлар учун тўловларни, улар томонидан ўқишни тугатгандан сўнг ТДЮУда камида уч йил узлуксиз ишлаш мажбуриятини олиш шарти билан амалга ошириш;

ТДЮУ ва ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг иқтидорли талаба ҳамда ўқувчиларига стипендия ва грантлар ажратиш ҳуқуқи берилсин.

11. ТДЮУ молиявий барқарорлиги ва таълим хизматлари бозорида талаб юқорилигини инобатга олиб, 2020 йил 1 январдан бошлаб ўзини ўзи молиялаштириш тизимида ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, ТДЮУ ўзини ўзи молиялаштириш тизимида ўтган олий таълим муассасаларига берилган ҳуқуқлар билан бир қаторда қуйидагиларни ҳам мустақил равишда амалга оширади:

таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг ўқув-услугий жараёнини мувофиқлаштириш, унинг тузилмасини, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, қабул параметрлари ва таълим йўналишларини белгилаш;

юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицей педагог ходимларининг меҳнатини меъёрлаштириш;

хорижий олий таълим муассасалари билан тузилган келишувлар асосида қўшма таълим дастурларини амалга ошириш ҳамда ТДЮУ, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицейда қўшма факультетлар ташкил этиш;

ўқиш учун тўлов миқдорини ўрнатган ҳолда ТДЮУ бакалавриат ва магистратурасига табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча қабул параметрларини белгилаш;

бакалавриат ва магистратурага қабул қилишда тест синовлари фанлари мажмуасини, шунингдек, ўқиш муддатлари ва талабалар томонидан ўқув машғулотларига қатнаш тартибини белгилаш;

ТДЮУ ва ТДЮУ қошидаги академик лицейда номутахассислик фанлар-

ни ўқитиш ва факультатив машғулотлар ўтказишни аутсорсинг шартларида ташкил этиш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги барча турдаги, шу жумладан ТДЮУ ва ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг бино ва иншоотларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича келишувларни тузиш ва амалга ошириш;

инновация ва илмий фаолиятни тижоратлаштириш ҳамда молиявий ресурсларни, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилиш учун тижорат ва нотижорат ташкилотлар (стартап, жамғарма ва бошқалар) тузиш;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда молия йили учун ТДЮУ ва ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг даромадлар ва харажатлар сметасини, штат жадвалини, бизнес-режасини тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, ходимларига иш ҳақини тўлаш тизими ва тартибини белгилаш.

12. Тошкент давлат юридик университети фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ой муддатда:

Коррупцияга қарши курашиш дастури, ходимлар ва талабалар (ўқувчилар)нинг одоб-ахлоқ кодексини, ходимларни коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида мурожаат қилиш ҳолатлари ҳақида хабардор қилишнинг шаффоф тартибини тасдиқлаш ҳамда Коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияни тузиш;

ТДЮУни 2030 йилгача халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингларидаги энг яхши олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш, шунингдек, унинг миллий рейтингдаги ўрнини юксалтириш бўйича комплекс чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси, Нотариал палата ва бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда адвокатлар, нотариуслар, ФХДЁ органлари ходимлари, юрисконсультлар ва бошқа ходимлар малакасини ошириш тизимини замонавий талаблар ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

доимий асосда чоп этиладиган тақриз бериладиган талабалар юридик журналинини таъсис этиш;

ТДЮУ қошида ТДЮУ ва юридик кадрлар тайёрловчи республиканинг бошқа олий таълим муассасалари талабаларинини ихтиёрийлик асосида бирлаштирадиган ёш юристлар жамоат бирлашмасини ташкил этишга қўмаклашиш;

янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмалари туркумини амалга ошириладиган ҳуқуқий ислохотларни инобатга олиб, хорижий олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда тайёрлаш, шунингдек, мамлакатдаги ислохотларнинг замонавий босқичи эҳтиёжлари ва илғор хорижий тажрибани ҳисоб-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

га олган ҳолда ўқув режалари ва дастурларини янгилаш ва қайта кўриб чиқиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишни таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Самарқанд, Наманган ва Термиз давлат университетларида юридик факультетлар фаолиятини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

юридик факультетларни юқори малакали, замонавий таълим шакл ва услубларини эгаллаган, илмий салоҳият ва амалий иш тажрибасига эга бўлган педагог кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин;

юридик факультетларда ўқув жараёнини кредит-модуль тизими, замонавий таълим технологиялари, энг янги ахборот ва ўқув-лаборатория жиҳозларини кенг жорий этиш ва фойдаланиш асосида ташкил этсин;

юридик факультет ўқитувчиларининг ҳар йили Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида, илмий-тадқиқот марказларида, қонунчилик, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органларида стажировка ўташи бўйича дастурлар тайёрланиши ва амалга оширилишини таъминласин;

уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига юридик факультетларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича асослантирилган таклифлар киритсин.

Юридик факультетлар ташкил этилаётган олий таълим муассасалари ректорларига юридик факультетлар профессор-ўқитувчилари учун уларнинг аниқ иш натижаларини ҳисобга олган ҳолда, олий таълим муассасаларининг мазкур факультетларида талабалар ўқишидан тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қўшимча устамалар белгилаш ҳуқуқи берилсин.

15. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб юридик техникумларда:

номутахассислик фанлар сони қисқартирилиб, ўқув жараёни кредит-модуль тизимини қўллаган ҳолда ташкил қилинади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини қабул қилиш Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовлари орқали амалга оширилиб, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча қабул тартиби жорий этилади;

юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг қўшма таълим дастурларини ҳамда қўшма факультетларини тугатгандан сўнг ўқишни давом эттирган шахсларга берилган хорижий таълим муассасаларининг белгиланган шаклдаги дипломлари (бакалавриат, магистратура) Ўзбекистон Республикасида қўшимча маъмурий тартиб-таомилларсиз олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинади;

базавий олий юридик маълумотга эга, юридик техникумларда камида уч йил ишлаган педагог ва раҳбар ходимлар ТДЮУ магистратурасига кириш тест синовларисиз, тўлов-контракт асосида, қабул параметрларидан ташқари, ўқишни тугатгандан сўнг тақсимот бўйича адлия органлари ва муассасаларида, биринчи навбатда, юридик техникумларда камида уч йил узлуксиз ишлаш мажбуриятини олган ҳолда, кириш ҳуқуқига эга;

б) 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ТДЮУ қошидаги академик лицейда қабул тартиби ва параметрлари, шунингдек, ўқиш учун тўлов миқдори ТДЮУ томонидан мустақил белгиланган ҳолда, тўлов-контракт, шу жумладан табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча қабул тартиби жорий қилинади;

в) 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг барча фанлар бўйича юқори натижаларга эга битирувчилари ТДЮУга кириш тест синовларисиз, яқка тартибда суҳбат ўтказиш орқали, тўлов-контракт асосида, қабул параметрларидан ташқари кириш ҳуқуқига эга.

16. Белгилансинки:

«Хуқук» таълим соҳаси учун давлат таълим стандарти Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади;

ТДЮУ, юридик факультетлар ва юридик техникумлар профессор-ўқитувчилари ва бошқа ходимлари вазирликлар ва идораларнинг ўқув, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий фаолияти, шунингдек, шартномалар доирасида кўрсатиладиган хизматлардан ташқари бошқа ишларга жалб этилиши мумкин эмас;

асосий воситалар ва товар-моддий бойликларни сотиш, пуллик курсларни ташкил этиш ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатишдан тушадиган барча маблағлар, ТДЮУ ва юридик техникумларнинг ривожлантириш жамғармаларида тўпланади, улар мазкур маблағларни мустақил равишда тасарруф қилади;

2020 йил 1 майдан бошлаб ТДЮУ, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг мол-мулкани ижарага беришдан келиб тушадиган маблағлар электрон савдо майдончаси оператори тўловини чегириб ташлаган ҳолда, тўлиқ ҳажмда мазкур муассасаларнинг ривожлантириш жамғармаларига ўтказилади;

ТДЮУга масофавий, сиртқи ва кечки ўқитиш шакллари ташкил этиш ҳуқуқи берилади;

ТДЮУ олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушган маблағлари ҳисобидан шакллантириладиган жамғармаларга ўтказиладиган барча ажратмалардан озод қилинади.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги ваколатлар берилсин:

юридик техникумларда тўлов-контракт асосида ўқиш қиймати ва уни тўлаш муддатларини, шунингдек, табақалаштирилган тўлов-контракт бўйича қўшимча қабул параметрлари ва ўқиш қийматини тасдиқлаш;

ТДЮУ, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг маъмурий-бошқарув, ўқув-ёрдамчи, муҳандислик-техник, хизмат кўрсатиш ва бошқа ходимлари намунавий штатларини (нормативларини), шунингдек, юридик техникумлар тузилмасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ТДЮУ, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицей ходимлари иш ҳақи миқдорларини бюджетдан ташқари (тўлов-контракт, шу жумладан табақалаштирилган тўлов-контракт) маблағлар ҳисобига мазкур

муассасаларнинг раҳбар ходимлари ва ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига тенглаштириш;

илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, юридик техникумларда ўқиш муддатлари ва шаклини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларининг йиллик ва бошқа молиявий ҳисоботларини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш;

ТДЮУ ректори ва Кенгаши ваколатларини, шунингдек, юридик техникумлар ходимлари иш ҳақи тизими ва тартибини белгилаш;

адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларининг иқтидорли талабаларига (ўқувчиларига) стипендиялар ва грантлар, шунингдек, адлия органлари ва муассасалари ходимларига хорижий таълим, илмий ва бошқа ташкилотларда ўқиш, стажировка ўташ ва улар билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун грантлар ажратиш.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Адвокатлар палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқлигини таъминлашга қаратилган маърузалар, маҳорат дарслари ва ўқув семинарларини ўтказиш учун вазирлик ва идораларнинг амалиёт ходимларини жалб қилиш орқали ўқув жараёнини самарали ташкил этишда ТДЮУ ва юридик факультетларга доимий равишда ҳар томонлама қўмаклашсин;

б) уч ой муддатда:

ТДЮУ, юридик факультетлар ва юридик техникумларнинг педагоглар таркиби томонидан адвокатлик тузилмасида стажировкадан ўтмасдан ҳамда ТДЮУ, юридик факультетлар ва юридик техникумларда асосий иш жойи сақланган ҳолда адвокатлик фаолиятини амалга ошириш тартибини ўрнатиш бўйича таклифларни киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалий машғулот ва тадқиқотлар учун зарур шарт-шароитларни яратган ҳолда ТДЮУ ва юридик факультетлар кафедраларини ташкил қилишини таъминласин;

ТДЮУ, юридик факультетлар ва юридик техникумларга ўз идораларидаги статистик, архив ва бошқа маълумотларга тўсиқсиз киришни (ахборотдан фойдаланиш қонун билан чекланган ҳоллар бундан мустасно), шунингдек, таълим тадбирларини ўтказиш имконини берувчи видеоконференц-алоқа тизимига уланишни таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфида юридик кадрларни тайёрловчи таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўқишга қабул қилиш ва ўқув жараёнини ташкил этиш тартибини ушбу Фармон талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш бўйича чораларни кўрсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ инсти-

тути фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорини қабул қилсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–1990-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 29 апрель,
ПФ–5987-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги
ПФ–5987-сон Фармонига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги «Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2932-сон қарорида:

3-банди, шунингдек 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

5-банднинг биринчи хатбошисидан «2-иловага мувофиқ таркибда» сўзлари чиқариб ташлансин;

7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. ТДЮУда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси (меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизи) билан бир қаторда, бюджетдан ташқари (тўлов контракт) маблағлари ҳисобидан Бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни моддий рағбатлантириш учун

Махсус жамғарма (кейинги ўринларда — Махсус жамғарма), уларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 185 фоизидан кам бўлмаган миқдо-
рида ташкил этилсин.

Белгилансинки:

Махсус жамғарма маблағлари штатдаги бошқарув, профессор-ўқитув-
чилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларга ҳар
ойлик устамалар ва моддий рағбатлантиришнинг бошқа турларини ўрнатиш-
га йўналтирилиб, уларнинг миқдори ТДЮУ томонидан мустақил белгила-
нади;

Махсус жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш
тартиби, шунингдек ҳар ойлик устамаларни ўрнатиш мезонлари ТДЮУ
томонидан белгиланади»;

8-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ТДЮУ томонидан талабаларни тўлов-контракт асосида ўқишга қабул
қилиш параметрларини, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистрату-
ра мутахассисликларини белгилаш, шунингдек Адлия вазирлиги билан ке-
лишган ҳолда университетнинг илмий-педагогик салоҳияти ва моддий-тех-
ник базаси имкониятларини ҳисобга олган ҳолда янги йўналиш ва мутахас-
сисликларини очиш тўғрисидаги».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги
«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаш-
тиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3666-сон қаро-
рида:

а) 7-бандда:

«а» кичик банди бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юридик техникумларга қабул қилиш ҳар бир ҳудуднинг «юриспруден-
ция» йўналиши бўйича профессионал маълумотга эга бўлган кадрларга
бўлган эҳтиёжини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги томонидан белгиланадиган квоталар, мутахассислик ва касбла-
ри бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дав-
лат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовлари асосида амалга
оширилади»;

«а» кичик банди олтинчи хатбошисида «2020/2021» рақамлари «2021/
2022» рақамларга алмаштирилсин;

«б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ТДЮУ магистратурасига талабаларни тўлов-контракт асосида ўқишга
қабул қилиш параметрларини, магистратура мутахассисликларини универ-
ситетнинг илмий-педагогик салоҳияти ва моддий-техник базаси имконият-
ларини ҳисобга олган ҳолда Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда ТДЮУ
томонидан белгилаш»;

«в» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 8-илованинг 19 ва 20-позициялари ўз кучини йўқотган деб ҳисоб-
лансин;

в) 10-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги

«Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4319-сон қарорининг 2-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги сўзлар билан тўлдирилсин:

«Бунда, Тошкент давлат юридик университети бакалавриат таълим йўналишлари бўйича тест синовлари топшириладиган фанлар мажмуаси университет томонидан белгиланади».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармонининг 5-банди биринчи хатбошисидан «Адлия вазирлиги» сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

173 Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида*

Халқимиз асрлар давомида эзгулик, саховат, сабр-қаноат, меҳр-шафқат оyi сифатида нишонлаб келган муборак Рамазон oyi бу йил бутун дунёда коронавирус инфекцияси тарқалиши оқибатида юзага келган мураккаб эпидемиологик вазият давом этаётган оғир бир даврга тўғри келмокда. Ана шундай қийин шароитда ҳам муқаддас динимиз буюрган ибодат амалларини уйда, оила даврасида адо этиб келаётган юртимиз мўмин-мусулмонлари ушбу фазилатли ойни Яратганнинг чексиз раҳмати ва мағфиратининг белгиси сифатида, эртанги кунга катта ишонч ва хурсандчилик билан кутиб олмокда.

Муборак Рамазон ойининг жамиятимиздаги маънавий-руҳий барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳозирги мураккаб синов ва машаққатларни халқимиз, бутун жаҳон аҳли билан ўзаро бирлик ва ҳамжиҳатликда енгиб ўтишдаги аҳамиятини инобатга олган ҳолда ҳамда муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, унинг тинчлик, бағрикенглик, шукроналик каби олижаноб ғояларини кенг тарғиб этиш, диний-маърифий, маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2020 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 24 апрель кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 21 апрелда эълон қилинган.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда Рамазон ойининг карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда, уй шароитида, оила даврасида ўтказилиши учун зарур шароитларни яратишга йўналтирилган барча чора-тадбирларни амалга оширсин.

Айниқса, ёрдамга муҳтож ва эҳтиёжманд шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мавжуд эпидемиологик шароитдан келиб чиқиб, диний-маърифий руҳдаги онлайн суҳбат ва маърузалар ташкил этиш, бу йилги Рамазон ойини уй шароитида ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 20 апрель,
ПҚ-4687-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

174 Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида*

Тасвирий ва амалий санъат соҳаларида миллий меросимизни тиклаш, Камолиддин Бехзоднинг бой ижодий меросини халқимизга тўла етказиш, соҳа ривожига катта ҳисса қўшган атоқли рассом ва халқ усталари хотирасини абадийлаштириш, ижодий йўналишда олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда мамлакатимизда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳаси самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 22 апрелда эълон қилинган.

2020 йил октябрь ойида буюк мусаввир ва наққош Камолиддин Бехзод таваллудининг 565 йиллигини кенг нишонлаш;

Камолиддин Бехзод хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг кўчаларидан бирига унинг номини бериш;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишида таълим олаётган талабалар учун Камолиддин Бехзод номидаги давлат стипендиясини таъсис этиш;

ёш истеъдодли ижодкорларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Камолиддин Бехзод издошлари» миниатюра ва халқ амалий санъати асарлари ижодий танловини ташкил этиш ва уни ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб бориш белгилансин.

2. Камолиддин Бехзод таваллудининг 565 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита (А. Абдуҳакимов):

а) бир ой муддатда Камолиддин Бехзод таваллудининг 565 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) 2020 йил 15 сентябрга қадар Камолиддин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейи хиёбонининг замонавий қиёфада қайта ташкил этилиши ва унинг ҳудудидаги Камолиддин Бехзод ҳайкалини 2022 йилда бронзага ўтказилишини;

в) 2020 йил 1 октябрга қадар Камолиддин Бехзод ҳаёти ва ижоди ҳамда унинг Шарқ тасвирий санъатига қўшган бекиёс ҳиссасига бағишланган ҳужжатли фильмнинг тайёрланиши ҳамда марказий телеканалларда намойиш этилишини;

г) 2020 йил октябрь ойида:

«Камолиддин Бехзод издошлари» миниатюра ва халқ амалий санъати асарлари ижодий танловининг ўтказилишини;

Камолиддин Бехзод ва унинг издошлари асарлари, хаттотлик санъати намуналари, замонавий миниатюра асарлари кўргазмаси ҳамда илмий-амалий конференциясининг ўтказилишини;

д) «Ўзбекистон замонавий миниатюраси» каталогининг тайёрланиши ва жорий йил октябрь ойида нашр этилишини таъминласин.

4. Белгилансинки, Камолиддин Бехзоднинг ҳайкалини бронзага ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Бадий академиясига мазкур мақсадлар учун ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Бадий академияси ҳузурида:

Бадий таълим йўналишларидаги педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш маркази (кейинги ўринларда — Марказ);

олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимида тайёргарлик босқичи сифатида Рассомлик маҳорат устахонаси (олий рассомлик курси) (кейинги ўринларда — Рассомлик маҳорат устахонаси) ташкил этилсин.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. Қуйидагилар:

а) Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат олий ва профессионал таълим муассасалари, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатлари, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг тасвирий ва амалий санъат, дизайн, санъатшунослик ҳамда музейшунослик йўналишлари (кейинги ўринларда — бадий таълим йўналишлари) бўйича педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш;

иктидорли ёш профессионал санъат намояндаларининг билим ва кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқитишнинг замонавий шакл ва услублари, самарали педагогик технологиялар, электрон ахборот ресурсларидан кенг фойдаланган ҳолда таълим жараёнининг юқори даражада олиб борилишини таъминлаш;

ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни ҳисобга олган ҳолда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режалари ва дастурларини тизимли равишда такомиллаштириш;

бадий таълим йўналишларидаги педагог ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларининг ўқув-методик базасини шакллантириш ва фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларга ташкилий-методик раҳбарликни амалга ошириш;

б) Рассомлик маҳорат устахонасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тасвирий санъат асарларининг юксак сифатини таъминлаш, тасвирий санъат ижодкорларининг салоҳиятини тўлақонли юзага чиқариш;

«устоз-шогирд» ва бадий таълим анъаналарини сақлаган ҳолда ўқитишнинг илғор усулларини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига ижодий устахоналар фаолиятини татбиқ этиш;

тасвирий санъат йўналишларида (дастгоҳли, графика, маҳобатли, миниатюра, ҳайкалтарошлик) фаолият олиб бораётган истеъдодли ижодкорларни саралаб олиш, уларнинг эстетик савияси ва маҳоратини юксалтириш;

санъат асарларида миллий ва умуминсоний анъаналарнинг юксак даражада ифода этилишига эришиш;

чет эллардаги кўргазма ва музейларда сақланаётган ноёб асарлар билан яқиндан танишиш, нусха кўчириш ҳамда тажриба алмашиш мақсадида хорижий мамлакатларга олий рассомлик курси ёш ижодкорларининг ижодий сафарларини ташкил этиш;

юртимиз музейлари фондларини юксак бадий қийматга эга бўлган тасвирий санъат асарлари билан мунтазам бойитиб боришга кўмаклашиш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ фаолияти 2022 йил 1 январдан, Рассомлик маҳорат устахонаси фаолияти 2022/2023 ўқув йилидан бошланади;

Рассомлик маҳорат устахонаси юридик шахс мақомига эга бўлмайди ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

ёш ижодкорлар Рассомлик маҳорат устахонасига стажёр-тадқиқотчилар учун белгиланган тартиб асосида жалб қилинади.

8. Ўзбекистон Бадий академияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Марказ ҳамда Рассомлик маҳорат устахонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги тегишли Хукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Республикада тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Ўзбекистон Бадий академиясининг юртимиз тасвирий санъатига улкан ҳисса қўшган атоқли ижодкор Павел Беньков номини Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактабига бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2022 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Бадий академияси тизимидаги ихтисослаштирилган санъат мактаблари ҳамда мактаб-интернатларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ўқувчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш чораларини кўрсин.

12. 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Бадий академияси марказий аппарати ходимларининг лавозим маошига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 100 фоиз миқдорида ойлик устамалар белгилансин.

13. Мазкур қарорда назарда тутилган харажатларни молиялаштириш 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Бадий академиясига ажратиладиган маблағлар доирасида, 2021 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида 2021 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг асосий биноси атроф ҳудудида қўшимча ўқув биноси ва замонавий ахборот-кутубхона маркази, кўргазмалар галереясини ўз ичига қамраб олувчи ёрдамчи бино қуриш ишлари учун зарур капитал қўйилма маблағларини назарда тутсин.

Ўзбекистон Бадий академияси 2020 йил 1 октябрга қадар мазкур бандда назарда тутилган лойиҳа (объект) бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3219-сон қарорига 3-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

16. Ўзбекистон Бадий академияси манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 21 апрель,
ПҚ-4688-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

175 Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Соғлиқни сақлаш тизими ва санитария-эпидемиология хизматининг коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ва имкониятларини ошириш, шунингдек, бюджетни, қишлоқ хўжалиги, коммунал ва энергетика соҳаларидаги корхоналарни қўшимча қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Халқаро молия институтлари (кейинги ўринларда — ХМИ) билан умумий қиймати 3 млрд АҚШ долларидан ортиқ узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ва грантларни жалб қилиш бўйича дастлабки келишувларга эришилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Коронавирус глобал пандемиясининг салбий оқибатларига қарши курашиш чора-тадбирлари учун грантлар ва узоқ муддатли имтиёзли молиялаштиришни жалб қилиш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — Йўл харитаси) 1-иловага** мувофиқ;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 23 апрелда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш доирасида грантлар ва узоқ муддатли имтиёзли молиялаштиришни жалб қилиш бўйича мувофиқлаштирувчи гуруҳ таркиби (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи гуруҳ) 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагиларни таъминлаш Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг энг муҳим вазифалари этиб белгилансин:

Йўл харитасидаги чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш;

ХМИ иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш, тасдиқлаш ва амалга ошириш билан боғлиқ тезкор қарорлар қабул қилиш;

ХМИ маблағлари ҳисобидан товарлар ва хизматлар, биринчи навбатда, тиббий ускуналар ва тиббий буюмлар харид қилишнинг жадаллаштирилган механизмларини амалиётга жорий этиш;

жалб қилинган ХМИ маблағларининг тегишли вазирликлар, идоралар, тижорат банклари, корхоналар ва тадбиркорлик субъектларига ажратилишини тезлаштириш;

ташқи ёрдам ҳисобидан молиявий кўмак олувчи вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ХМИ қарзлари ва грантларидан фойдаланишда шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойилларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш.

4. Соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш учун ХМИ грант ва қарз маблағларини жалб қилишда қуйидагилар устувор мақсадлар этиб белгилансин:

республика санитария-эпидемиология хизматини тубдан модернизация қилиш, ташкилий тамойиллар, стандартлар ва жавоб қайтариш протоколларининг эпидемиологик вазият ўзгаришларига мувофиқлигини таъминлаш, халқаро стандартлар ва илғор амалиётларга мувофиқ техник жиҳозлаш ва мутахассисларни тайёрлаш;

республиканинг ҳар бир ҳудудида халқаро стандартларга мувофиқ жиҳозланган санитария-эпидемиология лабораторияларини ташкил қилиш;

санитария-эпидемиология хизматининг барча бўғинларида ишлашга малакали кадрлар тайёрлаш, шунингдек, халқаро тажрибага эга мутахассисларни жалб қилиш;

юқумли касалликларни илғор компьютер технологиялари ва телетиббиёт усулларида фойдаланган ҳолда, энг аввало, болалар ва оналарни даволаш учун замонавий клиникалар яратиш ва жиҳозлаш.

5. Қуйидагилар масъул ижро этувчи агентликлар этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги — республика соғлиқни сақлаш тизими ва санитария-эпидемиология хизматини мустаҳкамлаш учун жалб қилинаётган ХМИнинг қарз маблағларини жадал жалб қилиш, улардан самарали ва мақсадли фойдаланиш юзасидан;

Энергетика вазирлиги ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги — Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда бошқа халқаро молия институтларининг тегишинча энергетика ва коммунал соҳаларидаги корхоналар айланма маблағлари-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ни молиялаштириш учун жалб қилинадиган қарз маблағларини жадал жалб қилиш, улардан самарали ва мақсадли фойдаланиш юзасидан;

Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги — бюджетни қўллаб-қувватлаш учун ХМИ қарзларини жадал жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги — мева-саб-завотчиликни ривожлантириш учун ХМИ томонидан тақдим этилаётган кредит линияларини ўз вақтида жалб қилиш ва жадал ўзлаштириш юзасидан.

Масъул ижро этувчи агентликларга молиялаштирувчи ХМИ билан келишилган ҳолда тендер савдолари ва харидларни ўтказмасдан БМТ ташкилотларининг глобал платформалари орқали дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникаларни тўғридан-тўғри харид қилишга рухсат этилсин.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

уч кун муддатда Осиё тараққиёт банкига республика санитария-эпидемиология хизматини модернизация қилиш учун 100 млн АҚШ доллари миқдоридаги узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратиш бўйича сўров юборсин;

ўн кун муддатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мазкур лойиҳа концепциясини ОТБ билан келишсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги фармацевтика тармоғининг илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш, шунингдек, юқумли ва бошқа касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун замонавий самарали препаратлар ишлаб чиқариш имкониятларини оширишга қаратилган «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш лойиҳасининг молиялаштириш манбалари юзасидан 2020 йил 15 майга қадар Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ (С. Умурзоқов):

инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш доирасида ижро этувчи агентликлар, масъул вазирликлар, идоралар ва тижорат банклари вакилларининг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан ҳисоботларини ҳафтада икки марта эшитган ҳолда Йўл харитасининг самарали бажарилишини таъминласин;

ҳар ҳафта Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига Йўл харитасининг ижроси юзасидан маълумотларни киритиб борсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига бюджетни қўллаб-қувватлаш учун ХМИнинг қарзларини жалб қилиш бўйича жавобгарлик юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

бир ҳафта муддатда бюджетни қўллаб-қувватлаш учун қарзларни жалб қилиш графигини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига графикларнинг ижроси тўғрисида ахборот тақдим этиб борсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари А.А. Пайгамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 22 апрель,
ПҚ-4691-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

176 Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида*

1. Вақтинча олиб кириш тўғрисидаги конвенцияга (1990 йил 26 июнь, Истанбул) унинг қўйидаги иловаларини қабул қилиб қўшилисин:

А-илова. «Вақтинча олиб кириш ҳужжатлари тўғрисида (А.Т.А карнетлари ва С.Р.Д карнетлари)»;

В.1-илова. «Кўрғазмалар, ярмаркалар, конференциялар ёки шу каби тадбирларда намойиш қилиш ёхуд фойдаланиш учун товарлар тўғрисида»;

В.2-илова. «Профессионал асбоб-ускуна тўғрисида»;

В.3-илова. «Тижорат операцияси муносабати билан олиб кирилган контейнерлар, поддонлар, ўрамлар, намуналар ва бошқа товарлар тўғрисида»;

В.5-илова. «Таълим, илмий ёки маданий мақсадларда олиб кирилган товарлар тўғрисида»;

В.6-илова. «Саёҳатчиларнинг шахсий буюмлари ва спорт мақсадларида олиб кирилган юklarга тегишли илова».

2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси мазкур халқаро шартномани амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган этиб белгилансин;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вақтинча олиб кириш тўғрисидаги ҳужжатларни бериш учун масъул бўлган ва вақтинча олиб кириш шартлари бузилган тақдирда божхона тўловларини тўлаш бўйича кафолатловчи ваколатли ташкилот этиб белгилансин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 24 апрелда эълон қилинган.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг мазкур халқаро шартномага қўшилганлиги ҳамда уни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган тўғрисида, вақтинча олиб кириш тўғрисидаги ҳужжатларни бериш учун масъул бўлган ва вақтинча олиб кириш шартлари бузилган тақдирда божхона тўловларини тўлаш бўйича кафолатловчи ваколатли ташкилот тўғрисида депозитарийга тегишли билдиришнома йўлласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси икки ой муддатда Вақтинча олиб кириш тўғрисидаги конвенцияни (1990 йил 26 июнь, Истанбул) қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома Ўзбекистон Республикаси учун кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 24 апрель,
ПҚ-4694-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

177 Коронавирус пандемияси даврида санитария-эпидемиология хизмати ходимларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида санитария-эпидемиология хизмати тиббиёт ходимларининг меҳнатини янада рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Ўзбекистон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 25 апрелда эълон қилинган.

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ва унинг ҳудудий бўлинмалари тиббиёт ходимларининг:

лавозим маошига меҳнатнинг соғлиқ учун хавфлилиги ва оғир шароитлари учун белгиланадиган қўшимча тўловлар миқдорини тегишинча 15 фоиздан 50 фоизга ҳамда 40 фоиздан 75 фоизга ошириш;

меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари бўйича тариф коэффицентини 5 фоизга оширган ҳолда қўллаш орқали уларни моддий рағбатлантириш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Мазкур банд талабларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан (кейинги ўринларда — Жамғарма) ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

2. Белгилансинки:

мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган моддий рағбатлантириш чоралари 2020 йилнинг 16 мартидан бошлаб, республикада коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирлари расман тўхтатиладиган ой якунига қадар амал қилади;

коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб этилган даврда Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари тиббиёт ходимлари учун ойлик лавозим маошига нисбатан 6 фоиз миқдорида кунлик қўшимча тўлов, шунингдек, қонунчиликда кўзда тутилган бошқа устамаларни олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекциясининг (кейинги ўринларда — Давлат инспекцияси) ҳудудий бошқармалари ходимларининг умумий чекланган сони 3 266 та этиб белгилансин ҳамда бунинг натижасида бўшаётган 913 та штат бирлиги Агентликка ўтказилсин.

4. Агентликнинг марказий аппаратида Давлат инспекциясидан ўтказилаётган штат бирликлари ҳисобидан 7 та штат бирлигидан иборат Моддий-техника базасини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб этиш бошқармаси ташкил этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Агентлик бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда Давлат инспекциясининг ўтказилаётган штат бирликларини ҳисобга олган ҳолда Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари штатлар меъёрларини қайта кўриб чиқсин;

янгиланган штатлар меъёрларига мувофиқ, Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари бўш штат бирликларининг юқори малакали ходимлар билан тўлдирилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига республикадаги эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда Давлат инспекцияси ва Агентликнинг штат бирликлари сонини қайта тақсимлаш ваколати берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят-

лар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар Бош давлат санитария врачлари-га карантин тадбирларини амалга ошириш даврида, давлат ва нодавлат тиббиёт муассасаларининг тиббиёт ва бошқа ходимларини жалб қилган ҳолда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича эпидемия-га қарши вақтинчалик отрядларни ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

7. Белгилансинки, карантин тадбирларини амалга ошириш даврида вақтинчалик отрядлар таркибига жалб этилган:

давлат тиббиёт муассасалари ходимларининг асосий иш жойидаги меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби, шартлари ва миқдорлари сақланиб қолади;

нодавлат тиббиёт муассасалари ходимларининг меҳнати учун тўловлар, зарур ҳолларда, давлат тиббиёт муассасаларидаги тегишли лавозим ва тоифадаги ходимлар учун белгиланган шартлар ва миқдорларда санитария-эпидемиология хизматларига коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш учун Жамғармадан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;

давлат ва нодавлат тиббиёт муассасалари ҳамда Агентлик ва Давлат инспекцияси, шунингдек, уларнинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари ойлик лавозим маошига 6 фоиз миқдорида ҳар кунлик қўшимча тўловлар санитария-эпидемиология хизматларига коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш учун Жамғармадан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 24 апрель,
ПҚ-4695-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**178 «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб
чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этишни
молиялаштиришга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар
тўғрисида***

Фармацевтика тармоғининг илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш базасини жадал ривожлантириш, шунингдек, коронавирус пандемияси даврида юқумли ва бошқа касалликларни аниқлаш қамда даволаш учун замонавий самарадор препаратларни ишлаб чиқариш бўйича унинг имкониятларини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлигининг «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини (кейинги ўринларда — Кластер) ташкил этиш» лойиқасини молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 50 миллион долларгача суммада маблағлар ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Кластер қудудида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари қисобидан биринчи навбатдаги объектлар қурилишини ташкиллаштириш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) иловага** мувофиқ таркибда тузилсин қамда қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

лоийқавий таклифларни кўриб чиқиш ва Кластер қудудида биринчи навбатда қуриладиган, шу жумладан муқандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг рўйхатини аниқлаш;

биринчи навбатдаги объектларни қуриш учун бош пудратчи ташкилотларни танлаш;

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланилиши устидан назоратни ташкил этиш;

биринчи навбатдаги объектлар қурилишининг бориши устидан назоратни амалга ошириш ва қурилиш жараёнида юзага келадиган масалаларни тезкорлик билан қал қилиш.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан ажратилган маблағларнинг қарздори қисобланади;

қарзни сўндириш ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар Кластер қудудидаги объектларни сотиш ва биноларни ижарага беришдан

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 апрелда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тушган тушумлар, шунингдек, Агентлик кузуридаги Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси қамда Агентликнинг бошқа тушумлари қисобидан амалга оширилади;

«Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ривожлантириш дирекцияси лойиқанинг ижро этувчи органи, шунингдек, қурилаётган объектлар бўйича асбоб-ускуналар, товарлар, ишлар ва хизматларни қабул қилиб олиш учун масъул қисобланади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ биринчи навбатдаги объектлар қурилишини молиялаштириш Ишчи гуруҳнинг қарорига биноан параллель равишда қуйидагиларни экспертизадан ўтказган қолда амалга оширилади:

лойиқани — Агентликнинг тармоқ Илмий-техник кенгашида;

лойиқа-смета қужжатларини — Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигида;

замонавий импорт асбоб-ускуналар ва технологиялар, қурилиш материаллари, бутловчи буюмларни харид қилиш бўйича импорт контрактларини — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги кузуридаги Лойиқалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказида.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 28 апрель,
ПҚ-4698-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**179 Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг
жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида*****[Кўчирма]**

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни янада ривожлантиришнинг қўшимча вазифалари этиб белгилансин:

2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига улушини 2 бараварга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда, шу жумладан ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятда ҳисобот юритишда дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, технологик жараёнларни автоматлаштириш орқали уни жадал шакллантириш;

2020-2021 йилларда барча соғлиқни сақлаш муассасалари, мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотларини, шунингдек, қишлоқлар ва маҳаллаларни юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш ҳамда алоқа хизматлари сифатини оширишни кўзда тутган ҳолда мамлакатнинг рақамли инфратузилмасини тўлиқ модернизация қилиш ва замонавий телекоммуникация хизматларидан барча ҳудудларда фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

2022 йилга қадар электрон давлат хизматлари улушини 60 фоизгача етказишни назарда тутган ҳолда давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ҳамда интеграция қилиш, давлат маълумотлар базаларидаги ахборотларни унификация қилиш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш тартиботларини оптималлаштириш ва тартибга солиш орқали электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш;

дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва технологик майдончалар яратиш орқали «рақамли тадбиркорлик»ни ривожлантириш, 2023 йилга келиб ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 бараварга ошириш ва уларнинг экспортини 100 миллион долларга етказиш;

таълим тизимининг барча босқичларида рақамли технологияларни кенг

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 апрелда эълон қилинган.

жорий этиш ва замонавий иқтисодиёт учун зарур бўлган рақамли билимларнинг даражасини ошириш, таълим инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, «Беш ташаббус» лойиҳасини амалга ошириш доирасида 2022 йилга қадар республиканинг барча ҳудудларида рақамли билимларга ўқитиш марказларини очиш.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик):

рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш соҳасидаги ваколатли орган ҳисобланади;

рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш доирасида ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш бўйича давлат органлари ва ташкилотларнинг лойиҳалари ва техник ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини мажбурий экспертизадан ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигида (кейинги ўринларда — Агентлик) крипто-активлар ва блокчейн технологиясини жорий этиш бўйича ваколатлар сақлаб қолинсин.

3. Вазирлик ҳузурида қуйидагилар:

а) «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

электрон ҳукуматни ривожлантиришда ягона технологик ёндашувни таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотларида рақамли ривожланишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомининг ягона идоралараро электрон тизимини жорий этиш;

электрон ҳукумат соҳасидаги лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш босқичларини мувофиқлаштириш;

б) «Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази» давлат муассасаси ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

иқтисодиёт тармоқлари ва ишлаб чиқаришга рақамлаштириш жараёнларининг таъсирини баҳолаш;

экспертлар ҳамжамияти билан ҳамкорликда рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат соҳасида янги йўналишлар ва замонавий технологияларни чуқур ўрганиш орқали уларни давлат органлари ва ташкилотларида кенг жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

иқтисодиётнинг турли тармоқларида «ақлли» ва бошқа истиқболли технологияларни, шунингдек, катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишловчи технологияларни жорий этишнинг концептуал ва услубий асосини шакллантириш.

4. Вазирлик марказий аппарати тузилмасида:

аграр соҳани жадал рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларига замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш масалаларига масъул бўлган вазир ўринбосари лавозими киритилсин;

Аграр соҳада рақамли технологияларни ривожлантириш бошқармаси ва Геоахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси ташкил қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу бандда назарда тутилган вазир ўринбосари лавозимини киритиш ва бошқармаларни ташкил қилиш Вазирлик марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларининг умумий чекланган сони доирасида амалга оширилади.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг марказий аппарати тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Агентликнинг:

«Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор UZINFOCOM» МЧЖнинг устав капиталидаги давлат улушини (кейинги ўринларда — Ягона интегратор) Вазирликка беғараз асосда ўтказиб бериш;

Вазирлик ташкилий тузилмасидаги хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги давлат акция пакетларини (улушларини) Вазирликка ўтказиб бериш;

Агентлик қошидаги «Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат унитар корхонасининг ахборот тизимлари ва бошқа аппарат-дастурий комплексларини бир ҳафта муддатда Вазирлик ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасига беғараз асосда ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

8. Қуйидагилар:

«Электрон ҳукумат» тизимининг архитектураси 4-иловага* мувофиқ;

2020 — 2022 йилларда электрон ҳукуматни янада ривожлантириш бўйича устувор лойиҳалар рўйхати 5-иловага* мувофиқ;

2020 — 2022 йилларда иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш бўйича устувор лойиҳалар рўйхати 6-иловага* мувофиқ;

* 1 — 6-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини янада ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» 7-иловага* мувофиқ;

2020 — 2022 йилларда ахборот технологиялари ва телекоммуникацияларини ривожлантириш бўйича устувор лойиҳалар рўйхати 8-иловага* мувофиқ;

2020-2021 йилларда қишлоқ ва сув хўжалигида рақамли технологияларни жорий этиш бўйича «Йўл харитаси» 9-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига ушбу қарор билан тасдиқланган лойиҳалар рўйхатига аниқлик киритиш ҳуқуқи берилсин.

9. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасида (кейинги ўринларда — Жамғарма) электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисоб рақам очилсин.

Жамғарма махсус ҳисоб рақамининг даромад манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўлов суммасининг тақсимлангунига қадар бўлган 35 фоизи;

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божлари, йиғимлар ва барча турдаги тўловларнинг 11,25 фоизи, шунингдек, Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божлари ва бошқа тўловлардан тушадиган маблағларнинг 0,5 фоизи;

конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Белгилансинки, абонент рақамларидан фойдаланганлик учун тўлов, маблағларнинг тегишли қисми Жамғарманинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилгандан сўнг, бошқа олувчилар орасида маблағларнинг қолган қисмидан келиб чиқиб, ўрнатилган тартибда тақсимланади ва конун ҳужжатларида белгиланган мақсадларга йўналтирилади.

10. Белгилаб қўйилсинки:

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, жорий этиш, интеграция қилиш ва техник қўллаб-қувватлаш бўйича умумий қиймати 1 миллиард сўмгача бўлган битта шартнома доирасида танловларни фақат Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопарки резидентлари ўртасида ўтказиш ҳуқуқига эга;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида ишлатиладиган барча ахборот тизимлари ва ресурсларининг идоралараро электрон ҳамкорлиги фақат «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграция платформаси орқали амалга оширилади.

* 7 — 9-иловалар «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

11. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопарки резидентлари томонидан оммавий молиялаштириш (краудфандинг) ва опцион-шартномаларни тузиш тартибини белгилаш бўйича таклиф киритсин.

12. «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси Ягона интегратор билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ахборот хизматларини, жумладан хабардор қилиш характеридаги маълумотларни тақдим этувчи давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграциялашган Электрон ҳукумат хизматлари ҳақида ахборот бериш ва хабардор қилиш тизимини ишлаб чиқсин.

13. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида маҳаллий тадбиркорлик субъектларига янада қулайликлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида эгалик қилиш, уни юритиш ва бошқариш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин.

Агентлик бир ой муддатда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимининг унга тегишли барча мол-мулк ва асбоб-ускуналари билан биргаликда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига белгиланган тартибда топширилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 1 августга қадар давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўлланадиган хат-хабарлар, хабарномалар, қақирув қоғозлари ва бошқа юридик ҳужжатларни фақат почта алоқа объектлари тармоғи орқали етказиб бериш тартибини белгиласин.

Вазирлик 2020 йил 1 августга қадар давлат органлари ва ташкилотлари томонидан почта алоқаси объектлари тармоғи орқали йўлланадиган хат-хабарлар, хабарномалар, қақирув қоғозлари ва бошқа юридик ҳужжатларни жисмоний ва юридик шахсларга етказиб бериш ва етказилганлигини тасдиқлаш, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий тизимини жорий этсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3549-сон қарори 4-банди, шунингдек, қарорга 2 — 4-иловалар ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлик манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-

ликасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 28 апрель,
ПҚ-4699-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**180 Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавф-
сизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқило-
на фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-
қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида***

Дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилиги юзага келиши мумкин бўлган шароитда қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ресурслар ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, озиқ-овқат экинларини икки баробарга кўпайтириш, юқори ҳосил олиш, соҳада янги иш ўринларини яратиш ва манфаатдорликни ошириш борасида замонавий ёндашувларни жорий этиш мақсадида:

1. Фойдаланишдан чиқиб кетган ва ер ости сувлари захираси мавжуд бўлган ерларни фойдаланишга киритиш, уларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун аҳолига имтиёзли шартлар асосида ажратиб беришнинг қуйидаги тартиби жорий қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 10 майга қадар 1-иловада** келтирилган ҳудудларда экинларни суғориш учун яроқли сув чиқариш имконияти ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига хулоса тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 2 майда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

билан биргаликда табиий-тупроқ ҳамда иқлим шароитидан келиб чикиб фойдаланишга киритиладиган ерларга экин турларини жойлаштириш бўйича илмий асосланган тавсия беради;

туман ҳокимлиги фойдаланишга киритиладиган ер майдонларини кон-турлар кесимида ҳисоб-китоб қилади ҳамда лойиҳаларни шакллантириб, келишиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига тақдим этади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари уч кун ичида ушбу лойиҳаларни кўриб чиққан ҳолда умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги беш кун ичида тақдим этилган лойиҳаларни ўрганиб, Вазирлар Маҳкамасининг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари котибиятига хулоса тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари беш кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларни ўрганиш асосида Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан ажратиладиган маблағларни туманлар кесимида тақсимлайди;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг тақсимотига асосан Молия вазирлиги беш кун муддатда туман бюджетига ер майдонларини фойдаланишга киритиш учун зарур маблағларни ажратади;

туман ҳокимлиги қудуқ қазिश, суғориш тармоқларини тиклаш орқали ер майдонларини сув билан таъминлаш, электр энергиясини тортиш, сув тежовчи технологияларни жорий этишнинг техник ва молиявий кўрсаткичларини белгилайди ва ушбу ишларни амалга оширувчи пудратчи ташкилотларни танлов асосида аниқлайди;

танлов қоида тариқасида, туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари раислигида, туман қишлоқ хўжалиги, архитектура ва қурилиш, молия, солиқ, статистика, ер ресурслари ва давлат кадастри, ирригация бўлимлари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича туман инспекцияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раҳбарларидан иборат таркибда тузиладиган комиссия томонидан амалга оширилади;

туман ҳокимлиги фойдаланишга киритилган ер майдонларини деҳқончилик соҳасида билим ва кўникмага эга бўлган, биринчи навбатда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга 1 гектаргача деҳқон хўжалигини юритиш учун, истисно тариқасида, 10 йилгача муддатга ижарага беради ёки тажриба-синов тариқасида маҳаллий тадбиркорлик субъектларига барча харажатларни олдиндан тўлаш шарти билан 5 гектаргача бўлган

ер майдонларини 10 йилгача муддатга ижара ҳуқуқини электрон аукцион асосида сотади;

ушбу ер майдонларини ажратиш бўйича ташаббускор ва туман ҳокимлиги ўртасида тузилган ижара шартномасига асосан туман ҳокимининг қарори қабул қилинади, бунда ер майдонларида сув тежовчи технологияларни қўллаш ва устувор равишда сабзавот, полиз, картошка, дуккакли ва мойли экинларни экиш, боғ ва токзорлар барпо этиш назарда тутилади;

ер майдонларини ижарага бериш ҳамда ижара ҳуқуқини сотишдан тушадиган маблағлар туман ҳокимлигининг сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича махсус ҳисоб рақамида жамғариб борилади ҳамда янги ер майдонларини фойдаланишга киритиш мақсадларида ишлатилади;

ердан фойдаланиш давомида белгиланган экин турларини экиб, иш ўринларини яратган, ижара харажатларини ўз вақтида қоплаган тадбиркорлик субъектларига ердан фойдаланиш муддатини узайтиришда устуворлик ҳуқуқи берилади.

Туман ҳокимликлари фойдаланишга киритиладиган ер майдонларининг яхлитлиги, бир маҳсулот турига ихтисослашиши, мева-сабзавотчилик кластерлари ва кооперациялари орқали деҳқон хўжаликларига уруғлик ва кўчатлар етказиш, илғор агротехнологияларни ўргатиш, етиштирилган маҳсулотларни реализация қилишда кўмаклашсин, шунингдек, минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини етарли ҳажмда ва ҳамёнбоп нархларда харид қилишлари учун зарур инфратузилмани яратсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарор доирасида ижарага бериладиган ер майдонларида енгил конструкциядаги дала шийпон ва суғориш иншоотларини жойлаштиришга рухсат берилади, бошқа турдаги, шу жумладан турар жой, бино ва иншоотлар қуриш қатъиян ман этилади;

ижарага бериладиган ер майдонларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) иштирокидаги «Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжири яратишни ривожлантириш» лойиҳаси, Жаҳон банкининг кредит линиялари ҳисобидан кредитлар ажратилади. Бунда тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган қисми Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

мазкур қарор доирасида фойдаланишга киритилган ер майдонлари мақбуллаштирилмайди, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига ердан фойдаланувчи розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан сўнггина рухсат этилади;

қишлоқ хўжалиги кооперацияларида иштирок этадиган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилалар тоифасига кирувчи ҳар бир

оила парранда боққан даври (40 кун) учун Жамоат ишлари жамғармасидан қўшимча 500 минг сўмдан рағбатлантирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

янги фойдаланишга киритиладиган ерларнинг ижара ҳуқуқини электрон аукцион асосида сотишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларнинг йўналишлари ва мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, деҳқон хўжаликлари, шахсий томорқалардан самарали фойдаланиш, маҳсулот етиштириш ҳажмини ҳамда аҳоли бандлиги ва даромадини оширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунини, шунингдек, «Шахсий томорқа хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда янги фойдаланишга киритиладиган ерларнинг ижара ҳуқуқини «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида сотишга имконият яратсин.

5. Маълумот учун қабул қилинсинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ:

ушбу кодекснинг 57-моддасида назарда тутилган шартларга жавоб берувчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ўзи ишлаб чиқарган ўз қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган фойдаси бўйича фойда солиғи ставкаси 0 фоиз миқдорида белгиланган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш учун, шунингдек, ипак қурти етиштириш учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида бўлган мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблашда солиқ базасидан камайтирилади;

томчилатиб суғориш тизими қўлланиладиган ерлар — томчилатиб суғориш тизими жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан беш йил муддатга, қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар — ваколатли орган томонидан тасдиқланган лойиҳага мувофиқ, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида ҳамда янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар, дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланишдан қатъи назар, уч йил муддатга ер солиғидан озод қилинган;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-

тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5969-сон Фармонига асосан қишлоқ хўжалигидаги ерларни суғориш учун фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2020 йилда ўрнатилган ставкалардан 50 фоизга пасайтирилган.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.Қўчқоров Молия вазирлиги билан бирга бир ой муддатда Инқирозга қарши курашиш дастури доирасида ажратилган маблағлардан ер майдонларини фойдаланишга киритиш учун туман бюджетларига Бош вазирнинг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг тақсимо-тига асосан 300 миллиард сўм ажратилишини таъминласин.

7. Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари-нинг:

2020 йилда ажратилиши режалаштирилган 30 триллион сўмлик револьвер кредитларнинг 2 триллион сўмини мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчилар ва унинг экспорти билан шуғулланувчи корхоналарга йўналтириш;

экспорт шартномаси бўйича келгусидаги тушум таъминоти асосида шахсий томорқа ер эгалари ва хўжалик юритувчи субъектларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун бўнак ажратиш ҳамда маҳсулотларни сотиб олиш мақсадларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчилар ва экспорт қилувчиларга қисқа муддатли кредитлар ажратиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин. Бунда, кредитлар яхши кредит тарихига эга, камида 2 йил давомида мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти фаолияти билан шуғулланган қайта ишловчилар ва экспорт қилувчиларга ажратилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги «Ўзпахтасаноат» АЖ тизимидаги корхоналарнинг ипак қурти боқиш иншоотларини «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги ташкилотларга тўловларни йигирма йилгача муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти билан баланс (қолдиқ) қийматда инвестиция киритиш шарти билан сотиш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига қарорда белгиланган вазифалар юзасидан тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ва туманлар ҳокимларининг ҳисоботларини эшитиш ва тегишли баҳо бериб бориш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлиги мазкур қарорда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун ажратил-ладиган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назорат ўрнатсин.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

12. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ў.И. Барноев ва Ж.А. Қўчқоров зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 1 май,
ПҚ-4700-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

181 Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, ипотека кредити бозорини янада ривожлантириш, хусусий пудрат ташкилотларини уй-жойлар қурилишига кенг жалб қилиш ҳамда уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5886-сон Фармонига (кейинги ўринларда — Фармон) мувофиқ:

бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби (кейинги ўринларда — янги тартиб) жорий қилинганлиги;

хусусий пудрат ташкилотлари томонидан ўз маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига қурилган квартираларни бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратишга рухсат этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 2 майда эълон қилинган.

2. 2020 йил 1 майдан бошлаб 2022 йил 1 январга қадар жисмоний шахсларга хусусий пудрат ташкилотлари томонидан тайёр ҳолда топшириш шартисиз (пардоз ишларини амалга оширмасдан) қурилган квартираларни бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратишга рухсат берилсин.

3. Хусусий пудрат ташкилотлари томонидан қуриб битказилган квартираларни, шунингдек, тайёр ҳолда топшириш шартисиз (пардоз ишларини амалга оширмасдан) қурилган квартираларни бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредитларининг энг кўп миқдорлари:

қишлоқ жойларида 2 хонали квартиралар учун 174 млн сўмдан 240 млн сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 224 млн сўмдан 320 млн сўмгача;

шаҳарларда 2 хонали квартиралар учун 180 млн сўмдан 240 млн сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 232 млн сўмдан 320 млн сўмгача;

Тошкент шаҳрида 2 хонали квартиралар учун 198 млн сўмдан 264 млн сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 255 млн сўмдан 352 млн сўмгача оширилсин.

4. Янги тартиб доирасида аҳолига ажратиладиган ипотека кредитлари (шу жумладан бугунги кунга қадар ажратилган ипотека кредитлари) муддати 15 йилдан 20 йилгача узайтирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда янги тартиб доирасида тижорат банкларида жойлаштирган кредит ресурслари муддатини 15 йилдан 20 йилгача узайтирсин.

Тижорат банклари бир ой муддатда янги тартиб доирасида жисмоний шахсларга берилган ипотека кредитлари муддатини 15 йилдан 20 йилгача узайтирсин ҳамда тузилган шартномаларга тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорнинг:

2 — 4-бандларида назарда тутилган тартиб ва шартлар 2022 йил 1 январга қадар амал қилади ва янги тартибга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маблағлари ҳисобидан ажратиладиган ипотека кредитларига нисбатан татбиқ этилади;

3-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошларида назарда тутилган квартираларни сотиб олишга ажратилган ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадалнинг бир қисмини тўлаш билан боғлиқ харажатларни коплаш учун субсидиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги томонидан белгиланган уй-жой ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдо-рида тўланади.

7. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида тажриба тариқасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тижорат банкларига ажратган кредит ресурслари ҳисобидан мазкур қарор қабул қилингунга қадар жисмоний шахсларга қонунда белгиланган тартибда уй-жой қуриш учун

ажратилган ер участкаларида якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва қайта қуриш учун кредитлар ажратишга рухсат берилсин.

Бунда, кредитлар жисмоний шахсларга:

қурилаётган (қайта қурилаётган) якка тартибдаги уй-жой жойлашган жойи бўйича мазкур қарорнинг 3-бандида назарда тутилган кредитнинг энг кўп миқдорларидан ошмайдиган ва дастлабки бадали якка тартибдаги уй-жойни қуриш (қайта қуриш) ишлари қийматининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида 20 йил муддатга ажратилади;

белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган лойиҳа асосида хусусий пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган якка тартибдаги уй-жойни қуриш (қайта қуриш) ишлари бўйича тўловларни уларнинг депозит ҳисоб рақамларига нақд пулсиз шаклда амалга ошириш орқали берилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ҳамда Марказий банк билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида амалга ошириладиган тажриба натижаларидан келиб чиқиб, якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини қўллаб-қувватлаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига 2020-2021 йиллар давомида уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий бюджет даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан Фармон билан тегишли ҳудуд учун белгиланган субсидиялар сонини 1,3 бараварга ва суммасини 40 фоизгача оширишга рухсат берилсин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 майдан 31 декабрга қадар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан хусусий пудрат ташкилотларига янги тартиб доирасида шаҳар ва қишлоқ жойларида 4 ва ундан юқори қаватли ҳамда Тошкент шаҳрида 7 ва ундан юқори қаватли кўп квартирали уй-жойлар қуриш учун ажратилган тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитлари бўйича:

кредит суммасининг 50 фоизгача, бироқ 8 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафиллик берилади;

фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмайдиган ва суммаси 20 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, бироқ 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун компенсация тўланади.

Бунда, кафиллик ва компенсациялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги томонидан квартира бир квадрат метрининг тегишли ҳудуддаги ўртача бозор қиймати ҳамда 2 хонали, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар майдонининг белгиланган меъёр-

ларини инобатга олган ҳолда кўп квартирали уй-жойлар қурилганда берилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А.Н. Арипов) икки ҳафта муддатда янги тартиб доирасида шаҳарларда кўп квартирали уй-жойларни қуриш учун ер участкаларини «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасидаги электрон аукционига чиқариш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 1 май,
ПҚ-4701-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

182 Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида*

Мамлакатда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш, аҳоли билан мулоқот тизимини йўлга қўйиш, аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини ошириш, ҳудудларни жадал ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилишда истиқболга йўналтирилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш учун уни комплекс баҳолашнинг ҳамда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 2 майда эълон қилинган.

ишлаб чиққан ҳолда уларга тезкорлик билан ва лозим даражада жавоб қайтаришнинг ягона мувофиқлаштирилган механизми йўқлиги тўсқинлик қилмоқда.

Худудларни барқарор ва жадал ривожлантириш учун уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, табиий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятини, шунингдек, худудларнинг бошқа қиёсий устунликларини баҳолашнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Статистик кўрсаткичлар ва сўровномалар натижалари асосида худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизими (бундан буён матнда — рейтинг баҳолаш) жорий этилсин ва бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

барқарор ва мутаносиб иқтисодий тараққиётни таъминлаш, иқтисодий ислохотлар самарадорлиги;

янги иш ўринлари яратиш, ишсизликни камайтириш ва меҳнат бозори самарадорлигини таъминлаш;

ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш;

аҳоли ва бизнес учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг барқарорлиги ҳамда ишончилигини таъминлаш;

худудларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш, уларнинг иқтисодиётини янада диверсификация қилиш;

ишбилармонлик муҳити сифатини яхшилаш, тадбиркорликни доимий қўллаб-қувватлаш ва жадал ривожлантириш;

худудларнинг молиявий мустақиллигига эришиш ҳамда банк-молия соҳасини ривожлантириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги ва маълумотларнинг очиқлигини ошириш.

2. Рейтинг кўрсаткичлари асосида худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

рейтинг баҳолаш ушбу қарорнинг 6-бандида назарда тутилган ахборот тизими ишлаб чиқилгандан сўнг 2019 йил учун синов режимида амалга оширилади;

рейтинг баҳолаш натижалари асосида рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар кесимида амалга оширилади;

ўтган йил учун рейтинг баҳолаш натижалари ҳар йили 1 февраль (тезкор баҳолаш) ва 15 июнга (якуний натижалар) қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимияти вакиллик органларига киритилади;

рейтинг баҳолаш натижалари ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси ва давлат

ҳокимияти вакиллик органлари йиғилишларида танқидий муҳокама қилиниш шарт.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига рейтинг баҳолаш натижаларини умумлаштириш, шунингдек, рейтинг баҳолашни амалга оширишда иштирок этувчи тегишли органлар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш ҳамда мувофиқлаштириш вазифаси юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига, зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда рейтинг кўрсаткичлари тизими ҳамда уларни ҳисоблаш усулларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти (кейинги ўринларда — Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти), «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази (кейинги ўринларда — «Ижтимоий фикр» маркази), Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази (кейинги ўринларда — Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази), Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси:

икки ой муддатда илғор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни рейтинг баҳолаш учун аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида сўровнома ўтказиш методологиясини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига келишиш учун киритсин;

тасдиқланган методология асосида ҳар йили туман ҳамда шаҳарларда аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида сўровнома ўтказсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан бирга 2020 йил 1 июнга қадар масъул органлар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан ҳудудлар рейтингини тузиш учун маълумотларни онлайн режимда киритиш имконини берувчи ахборот тизими (кейинги ўринларда — ахборот тизими) ишлаб чиқирилишини, шунингдек, 2019 йил якунлари бўйича ўтказилган синов режимидаги рейтинг баҳолаш натижалари асосида унинг такомиллаштирилишини таъминласин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги — ахборот тизимининг буюртмачиси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар — ахборот тизимини яратиш ҳамда уни келгусида қўллаб-қувватлаш, шунингдек, сўровномаларни ташкил этиш ва ўтказишнинг молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига унинг асослантирилган ҳисоб-китобларига мувофиқ ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, сўровномаларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармаси ҳисобидан зарур маблағларни;

2020 йилдан бошлаб ҳар йили ахборот тизимини техник ва дастурий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, сўровномаларни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги буюртманомаларига асосан зарур маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тутган ҳолда ажратсин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ҳисобот йилидан кейинги 15 январь (тезкор) ва 1 июндан (якуний) кечиктирмай ҳисобот йили якуни бўйича тегишли маълумотларни ахборот тизимига ҳаққоний ва ўз вақтида киритишни таъминлайди;

рейтинг жараёнига жалб этилган давлат органлари, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари сўровномаларни шаффоф ва ҳолисона ўтказиш ҳамда тегишли маълумотларни ахборот тизимига киритиш учун шахсан жавобгардир;

давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ахборот тизимига ишончсиз ёки нотўғри маълумотларни киритиш, шунингдек, уларни ўз вақтида киритмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда, тегишли раҳбарларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарор ижросини ташкил этишнинг қуйидаги тартиби белгилансин:

а) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров:

мазкур қарор ижросини сифатли таъминласин, белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишга масъул вазирлик ва идораларнинг самарали фаолиятини ташкил этсин ҳамда мувофиқлаштирсин, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

ахборот тизимига киритилган статистик кўрсаткичлар ва сўровнома натижаларини ўз вақтида умумлаштирсин ҳамда ҳудудлар рейтингини аниқласин;

ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларига эришиш, шунингдек, баҳолаш мезонлари ва таҳлил усулларини аниқлаш мақсадида Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, «Ижтимоий фикр» маркази, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази, Давлат статистика қўмитаси ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг масъул ходимлари учун даврий семинарлар ташкил этсин;

рейтинг кўрсаткичларининг мониторингини ва оммавий ахборот воситалари, шу жумладан расмий веб-сайтда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш натижалари тўғрисидаги маълумотлар мунтазам равишда кенг ёритилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосари Б.Т. Турабов — ҳудудларнинг рейтинг кўрсаткичлари шакллантирилишини мониторинг қилсин;

в) масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари — ахборот тизимида маълумотларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлақонли киритилиши ҳамда сўровномалар ўтказилиши учун барча зарур чораларни кўрсин;

г) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси А.Д. Хаджаев — мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти, унинг амалий аҳамиятини ёритиб бериш бўйича мақолалар чоп этилишини ҳамда матбуот анжуманлари, тематик телекўрсатувлар ўтказилишини ташкил этсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 1 май,
ПҚ-4702-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 1 майдаги
ПҚ-4702-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Рейтинг кўрсаткичлари асосида ҳудудларнинг
ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини
баҳолаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

І боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом рейтинг кўрсаткичлари асосида ҳудудларнинг (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар) ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

рейтинг кўрсаткичлари — ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш учун фойдаланиладиган сифат ва миқдор кўрсаткичлари ҳамда сўровлар натижалари тизими;

рейтинг — рейтинг кўрсаткичлари бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини баҳолаш орқали ҳудудларнинг рейтинг ўрнини аниқлаш.

3. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини рейтинг кўрсаткичлари асосида баҳолаш ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

II боб. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичлари

4. Баҳолаш кўрсаткичлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар бўйича алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

5. Баҳолаш кўрсаткичларини шакллантириш икки босқичдан иборат. Биринчи босқич. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини баҳолаш учун статистик кўрсаткичлар асосида баҳоланадиган қуйидаги 8 та устувор йўналиш белгиланади:

- иқтисодий ривожланиш ва самарадорлик;
- меҳнат бозори самарадорлиги;
- ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имконияти ва сифати;
- инфратузилмадан фойдаланиш имконияти ва унинг ривожланганлиги;
- иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва диверсификация қилинганлиги;
- ишбилармонлик муҳити сифати ва тадбиркорликни ривожлантириш;
- молиявий мустақиллик, банк-молия соҳасининг ривожланиши;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги ва маълумотларнинг очиқлиги.

Иккинчи босқич. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол тасдиқланган методология асосида қуйидагиларни аниқлаш мақсадида алоҳида сўровлар ўтказиш орқали баҳоланади:

- аҳолининг ижтимоий ўзини ҳис этиши ва турмуш сифати;
- тадбиркорлар ва инвесторлар учун ишбилармонлик муҳитининг ҳолати;

жамиятнинг ислохотларга ишончи даражаси ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият институтларининг сифати.

Аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида рейтинг баҳолаш бўйича сўровномалар ўтказиш методологияси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шунингдек, туманлар ва шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичлари ушбу Низомга 2, 2а, 3 ва 3а-иловаларга* мувофиқ аниқланади.

III боб. Рейтинг тизими кўрсаткичларини ҳисоблаш

7. Рейтинг кўрсаткичлари қуйидагича ҳисобланади:

мазкур Низомга 2, 2а, 3 ва 3а-иловаларда кўрсатилган статистик кўрсаткичларга асосан, уларга мувофиқ ҳудуд учун энг юқори балл 50 баллни ташкил этади;

ўтказилган сўров натижаларига кўра, унга мувофиқ ҳудуд учун энг юқори балл 50 баллни ташкил этади.

8. 5-банднинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳар бир устувор йўналиш учун максимал балл уларнинг таркибий рейтинг кўрсаткичлари бўйича тенг тақсимланади.

9. Устувор йўналишларни ташкил қилувчи статистик кўрсаткичлар ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин.

10. Ижобий кўрсаткичлар бўйича баллар қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$X_{ball} = \frac{X}{X_{max}} * Y_{maxball}, \text{ бунда:}$$

X_{ball} — ҳудуднинг муайян кўрсаткич бўйича балли; X — ҳудуд кўрсаткичи; X_{max} — ҳудудлар орасида ушбу кўрсаткичнинг максимал қиймати; $Y_{maxball}$ — ушбу Низомга 2, 2а, 3, 3а-иловаларда берилган кўрсаткичнинг энг юқори балли.

11. Салбий кўрсаткичлар бўйича баллар қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$X_{ball} = Y_{maxball} - \frac{Y_{maxball}}{X_{max}} * X, \text{ бунда:}$$

X_{ball} — ҳудуднинг муайян кўрсаткич бўйича балли; X — ҳудуд кўрсаткичи; X_{max} — ҳудудлар орасида ушбу кўрсаткичнинг максимал қиймати; $Y_{maxball}$ — ушбу Низомнинг 2, 2а, 3, 3а-иловаларида берилган кўрсаткичнинг максимал балли.

12. Ҳудуд учун биринчи босқич бўйича жами баллар устувор йўналишларнинг статистик кўрсаткичлари балларини жамлаш йўли билан ҳисобланади.

13. Ҳудуд учун якуний балл статистик кўрсаткичлар бўйича жами баллар ва ўтказилган сўров натижалари бўйича тўпланган балларни қўшиш орқали аниқланади.

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

14. Якуний баллар асосида қуйидаги 2 та рейтинг шакллантирилади: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича; туманлар ва шаҳарлар бўйича.

IV боб. Баҳолаш натижаларини тақдим этиш ва улардан фойдаланиш

15. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳудудларни рейтинг баҳолаш натижалари бўйича ҳар йили қуйидаги муддатларда таҳлилий маълумотнома тайёрлайди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига киритади:

1 февралгача (тезкор маълумот) — аниқланган камчиликларни барта-
раф этиш бўйича тезкор чоралар кўриш учун;

15 июнгача (якуний натижалар) — кейинги календарь давр учун дас-
турий чора-тадбирлар ва стратегияларни ишлаб чиқишда фойдаланиш учун.

16. Рейтинг баҳолаш натижалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис палаталари ва халқ депутатлари Кен-
гашлари мажлисларида танқидий муҳокама қилиниши лозим.

V боб. Якунловчи қоидалар

17. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари бўлинмаси Низом талабларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради.

18. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор шахслар қонун ҳужжат-
ларида назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 1 майдаги
ПҚ-4702-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги «2011 — 2015 йиллар даврида Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар кўла-
мини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, мамлакатда ишбилармонлик муҳи-
тини шакллантиришга оид мезон ва баҳолар тизимини белгилаш ва жорий
этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПҚ-1464-сон қарорининг 4 —
6-бандлари ҳамда 2-иловаси.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелдаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражаси индикаторларини ҳар чоракда баҳолаш тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 117-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 декабрдаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлар ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги 973-сон қарори.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ****183 Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2282-8*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ–599-сон «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги ПҚ–4546-сон «Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бўюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 14 октябрдаги 63-сон бўйруғи (рўйхат рақами 2282, 2011 йил 17 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 45-46-сон, 483-модда) билан тасдиқланган Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 20 март,
12-сон

* Ушбу бўйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 20 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2020 йил 20 мартдаги
12-сон буйруғига
ИЛОВА

**Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби
ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни
тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги ва 11-банднинг биринчи хатбошисидаги «ягона ижтимоий тўлов» деган сўзлар «ижтимоий солиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 38-банд «озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинганда» деган сўзлардан кейин «(бундан манзил-колонияларда жазони ўтаётган шахслар мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 48-банднинг биринчи хатбошиси «пенсионер (нафақа олувчи)нинг янги яшаш манзили» деган сўзлардан кейин «ёки манзил-колонияси жойлашган манзил» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 53-банд «пенсия улуши олувчининг янги яшаш манзили» деган сўзлардан кейин «ёки пенсия улушини олувчи озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган манзил-колония жойлашган ердаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. 2-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

6. 11-илованинг «Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлаш йиғмажилдида» бўлимидан 11-позицияси чиқариб ташлансин.

7. 12-илованинг «Боқувчисини йўқотганлик нафақасини тайинлаш йиғмажилдида» бўлимидан 5-позицияси чиқариб ташлансин.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**184** Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли юкларни ҳаво
транспортида ташиш қоидалари»нинг (ЎзР АҚ-198)
13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1721-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **бую-
раман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 24 августдаги 131-сон буйруғи (рўйхат рақами 1721, 2007 йил 25 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 39-сон, 407-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли юкларни ҳаво транспортида ташиш қоидалари» (ЎзР АҚ-198)нинг 13-банди учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Э. ГАНИЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 17 март,
3-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 20 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**185** Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиацияси-
да ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш»
авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-71) ўзгартиришлар киритиш
ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2194-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **бую-
раман:**

1. Ўзбекистон Республикаси парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2010 йил 9 декабрдаги 136-сон буйруғи (рўйхат рақами 2194, 2011 йил 10 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 6-сон, 55-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиациясида ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш» авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-71) иловаға мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

Вазир

Э. ГАНИЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 17 март,
2-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 20 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг 2020 йил 17 мартдаги
2-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиациясида
ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш» авиация
қоидаларига (ЎзР АҚ-71) киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. ЎАНМ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) билан келишилган ҳолда самовий ҳудудда ҳаво транспорти қатновининг ташкиллаштирилишини, диспетчерларнинг ХТҚБнинг намунали иш технологияларини, ХТҚХК хизмати мутахассисларининг профессионал тайёргарлигига бўлган талабларни, ХТҚХК тизими усулларини, жараёнларини ва ўтказиш лаёқатининг нормативларини, шу жумладан ХТҚХК тизимининг лозим даражада ишлашини таъминлаш учун зарур бўлган ходимлар сони миқдорини белгилайди ҳамда Агентлик томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган ХТҚХК диспетчерларини бошланғич тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқади.»

2. 57-банддаги «Дававианазорат» инспекцияси» деган сўзлар «Агентлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

186 Тўтзорларни оилавий пудрат асосида аҳолига ажратиб бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3230*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 январдаги ПҚ-4567-сон «Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 27 апрелда эълон қилинган.

1. Тутзорларни оилавий пудрат асосида аҳолига ажратиб бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ж. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 март,
70-сон

Ўзбекистон Республикаси
қишлоқ хўжалиги вазирининг 2020 йил
25 мартдаги 70-сон буйруғига
ИЛОВА

**Тутзорларни оилавий пудрат асосида аҳолига ажратиб
бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 январдаги ПҚ-4567-сон «Пиллачилик тармоғида ипак курти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тутзорларни оилавий пудрат асосида аҳолига ажратиб бериш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом талаблари «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ҳудудий «Агропилла» масъулияти чекланган жамиятларига (бундан буён матнда «Агропилла» МЧЖ деб юритилади) тегишли бўлган тутзорларга (бундан буён матнда тутзорлар деб юритилади) нисбатан татбиқ этилади.

2. Тутзорлар «Агропилла» МЧЖ томонидан аҳолига (оилага) оилавий пудрат асосида пилла етиштириш мавсуми бошланишидан олдин танлов асосида ажратиб берилади.

**2-боб. Тутзорларни оилавий пудрат асосида аҳолига
ажратиб бериш**

3. «Агропилла» МЧЖ томонидан тутзорларни оилавий пудрат асосида аҳолига (оилага) ажратиш бўйича танлов (бундан буён матнда танлов деб юритилади) мавсум бошланишидан камида 1 ой олдин ўтказилиши ҳақида маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон берилади.

4. Тутзорларни оилавий пудрат асосида аҳолига (оилага) ажратиб бе-

риш мақсадида «Агропилла» МЧЖ раҳбарининг қарори билан мазкур жамият ходимларидан 5 нафардан кам бўлмаган тоқ сондан иборат таркибда Тутзорларни оилавий пудрат асосида аҳолига ажратиб бериш бўйича танлов комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) ташкил этилади.

Комиссия таркибига киритилган шахслар оилавий пудратчи сифатида танловда иштирок этишлари тақиқланади.

5. Оила бошлиғи ёки оиланинг вояга етган бошқа аъзоси (бундан буён талабгор деб юритилади) оилавий пудрат асосида тутзорларни ажратиб бериш ҳақида танлов эълон қилингандан кейин бир ой ичида Комиссияга ёзма ёки электрон шаклда ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Аризада талабгорнинг меҳнатга лаёқатли доимий иш жойига эга бўлмаган оила аъзолари сони, тутзорларга ишлов бериш ва тут ипак қуртини парваришlash учун зарур билим ва тажрибаси ҳамда талабгорда тут ипак қуртини парваришlash учун зарур бино ва иншоотлар ҳамда шарт-шароитлар мавжудлиги ҳақида маълумотлар кўрсатилади.

6. Талабгорларнинг аризалари Комиссия томонидан 7 кун муддатда кўриб чиқилади, бунда Комиссия зарур ҳолларда аризада кўрсатилган маълумотларни манзил бўйича жойига бориб ўрганиши мумкин.

7. Талабгор қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

оиланинг меҳнатга лаёқатли доимий иш жойига эга бўлмаган аъзоларининг мавжудлиги ва уларнинг сони;

оила аъзоларининг тутзорларга ишлов бериш ва тут ипак қуртини парваришlash учун зарур билим ва тажрибага эгаллиги;

тут ипак қуртини парваришlash учун зарур бино ва иншоотлар ҳамда шарт-шароитлар мавжудлиги.

8. Комиссия мазкур Низомнинг 7-бандида келтирилган мезонларга мувофиқ талабгорга тутзорларни оилавий пудрат асосида ажратишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ҳақида хулоса қилади ва «Агропилла» МЧЖ раҳбарига тақдим этади.

9. «Агропилла» МЧЖ раҳбари Комиссия хулосасига мувофиқ тутзорларни оилавий пудрат асосида ажратиб бериш тўғрисида 3 кунлик муддатда қарор қабул қилади ва талабгорга бу ҳақда ёзма ёки электрон тарзда хабар беради.

«Агропилла» МЧЖ раҳбарининг қарорида оилавий пудрат асосида талабгорларга ажратиладиган тутзорларнинг ўлчами, уларнинг жойлашган манзили, талабгорнинг талаби қондирилмаган тақдирда эса, унинг асосланган сабаби кўрсатилади.

10. «Агропилла» МЧЖга тегишли бўлган тутзорлар оилавий пудратчиларга 1 гектардан 3 гектаргача ва 5 йил муддатга фойдаланиш учун ажратилади.

11. Тутзорларни ажратиб бериш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг «Агропилла» МЧЖ раҳбари ва талабгор ўртасида тутзорларни ипак қурти боқиш ва пилла маҳсулоти етиштириш учун оилавий пудрат асосида ажратиб бериш бўйича 5 йил муддатга шартнома (бундан буён матнда оилавий пудрат шартномаси деб юритилади) тузилади.

12. Оилавий пудрат шартномаси «Агропилла» МЧЖ раҳбари ва талабгор томонидан имзоланади.

13. Оилавий пудрат шартномасида қуйидагилар назарда тутилиши лозим:

шартнома тузилган сана ва жой;

шартнома предмети;

томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

тутзорлардан фойдаланиш шартлари, томонларнинг алмашлаб экиш схемасига мувофиқ тут дарахтларининг барг ҳосилдорлиги, ернинг мелиоратив ҳолати, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар;

етиштириладиган тирик пилла маҳсулотининг миқдори ва сифати;

етиштирилган пилла маҳсулотининг баҳоси, унга ҳақ тўлаш ва уни сотиш шартлари;

тутзорларни суғориш учун сув ва моддий-техника ресурслари билан оилавий пудратчини таъминлаш;

томонларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлиги ва уларнинг келишувига кўра бошқа шартлар.

14. Шартнома икки нусхада тузилади ва имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради. Шартноманинг бир нусхаси «Агропилла» МЧЖда, иккинчи нусхаси танлов натижасида ғолиб деб топилган талабгорда (бундан буён матнда оилавий пудратчи деб юритилади) сақланади.

15. Тутзорларни оилавий пудратчига топширишда далолатнома расмийлаштирилади.

Далолатнома тутзорларнинг ўлчами, уларнинг жойлашган манзили, ҳолати ва тутзорлардаги мавжуд кўп йиллик дарахтлар сони кўрсатилган ҳолда икки нусхада тузилади ҳамда «Агропилла» МЧЖ вакили ва оилавий пудратчи томонидан имзоланади. Далолатноманинг битта нусхаси «Агропилла» МЧЖда, иккинчи нусхаси оилавий пудратчида сақланади.

16. Оилавий пудратчиларга берилган тутзорларда «Агропилла» МЧЖ раҳбарининг ёзма розилиги билан вақтинчалик қурилма ва бошқа иншоотлар қурилиши мумкин.

3-боб. Оилавий пудрат асосида ажратилган тутзорлардан фойдаланиш

17. Оилавий пудратчи тутзорлардан тут барги етиштириш ва тут ипак қурти парваришлаш мақсадида фойдаланилганда:

тутзорларнинг орасига тут кўчатларини экиш мумкин, бунда уларнинг 95 фоизидан ортиқ кўкарувчанлигини таъминлайди ва асраб қолиш чораларини кўради;

тутзорларнинг тут барги ҳосилдорлигини ошириш мақсадида ўз вақтида баҳорги, ёзги ва кузги агротехник ишловлар бериш (ўғитлаш, тагини юмшатиш, қатор ораларини ҳайдаш ва қондириб суғориш) ишларини ташкил қилади;

тутзорлар ер майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ

унумдорлигини ошириш ва тутзорларнинг барг ҳосилдорлигини кўпайтириш чораларини кўради;

тутзорларни асраш ҳамда уларнинг пайҳон қилиниши ва ноқонуний кесиб кетилишининг олдини олиш чораларини кўради;

тутзорлардан олинган тут баргидан пилла етиштириш учун фойдаланади, бунда тут ипак қурти парваришlash ҳажми тут баргининг миқдорига қараб белгиланади;

етиштирилган тирик пиллани шартнома асосида тўлиқ пиллани қайта ишлаш корхонасига топширади.

18. Оилавий пудратчилар тутзорлардаги тутлар оралиқларидан уларнинг тут барги ҳосилдорлигини камайтирмаган ҳолда мустақил равишда бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экишда фойдаланиши мумкин.

Бунда, оилавий пудратчи томонидан етиштирилган пилла ҳосилини сотишдан ташқари тутзорлар орасига қўшимча экинлар экиш орқали олинadиган даромадлар оилавий пудратчининг ўзида қолади.

19. «Агропилла» МЧЖ пиллани қайта ишлаш корхоналари томонидан оилавий пудратчиларга тутзорларни янгилаш учун тут кўчатлари, шунингдек пилла мавсумларида ипак қурти уруғи ҳамда томонлар келишувига кўра бўнак (аванс) маблағлари берилишини таъминлайди. Бунда оилавий пудратчиларга тутзорларни янгилаш учун тут кўчатлари ва пилла мавсумларида ипак қурти уруғи бепул етказиб берилади.

Тутзорларга ишлов бериш учун уларни етарли миқдорда минерал ўғитлар билан таъминлаш ўзаро келишув асосида қайта ишлаш корхоналари ёки оилавий пудратчи томонидан амалга оширилади.

20. Туман «Агропилла» МЧЖ тавсиясига асосан туман «Агрокимёҳи-моя» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг туман бўлинмалари тут дарахтларининг ўта хавфли зараркунандаси (тут парвонаси)га ва касалликларига қарши курашиш тадбирларини амалга оширади.

21. Туман «Агропилла» МЧЖ пиллани қайта ишлаш корхоналари билан биргаликда оилавий пудрат асосида ажратилган тутзорлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни мониторинг қилади.

22. Ҳар йили декабрь ойида оилавий пудратчиларга ажратилган тутзорлар «Агропилла» МЧЖ томонидан хатловдан ўтказилади.

Хатлов натижалари бўйича тут дарахтларининг камайиши, ҳосилдорликнинг пасайиши ва пайҳон қилиниши аниқланган ҳолатларда оилавий пудрат шартномасига мувофиқ жавобгарлик чоралари қўлланилади.

23. Шартнома шартларини бажариш, ўзгартириш ёки бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар шартномага мувофиқ ҳал қилинади. Ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда, низолар суд тартибида ҳал этилади.

4-боб. Якуний қоидалар

24. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

25. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишилган.

*Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат кадастри
давлат қўмитаси раиси*

А. АБДУЛЛАЕВ

2020 йил 25 март

*Ўзбекистон Фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари кенгаши раиси*

А. ХАИТОВ

2020 йил 25 март

*«Ўзбекипаксаноат»
уюшмаси раиси*

Б. ШАРИПОВ

2020 йил 25 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

187 **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
29 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3179-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон «Иқтисодийни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 апрелда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2019 йил 23 августдаги 217-сон буйруғи (рўйхат рақами 3179, 2019 йил 30 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.08.2019 й., 10/19/3179/3675-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандидаги «Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бош прокурор

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 17 апрель,
270-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2020 йил 18 апрелдан 1 майгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 20 мартдаги 12-сон «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2282-8.

2. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2020 йил 17 мартдаги 3-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли юкларни ҳаво транспортида ташиш қоидалари»нинг (ЎЗР АҚ-198) 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1721-3.

3. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2020 йил 17 мартдаги 2-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиациясида ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш» авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ-71) ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2194-4.

4. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2020 йил 25 мартдаги 70-сон «Тутзорларни оилавий пудрат асосида аҳолига ажратиб бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3230.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2020 йил 17 апрелдаги 220-сон «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 29 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3179-1.

